Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

O'zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2018-yil 24-yanvar, chorshanba * № 4 (1067) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www hurriyat.uz

### Маърифат эҳтиёжи

Энди ўйлаб кўринг, почта ходими ўша маъсулиятни сезмаса, ҳис этмаса нима бўлади? Афсуски, соҳа мутасаддиларининг ўзи ҳам бу масъулиятни ҳалигача англаб етгани йўқ. ОАВларни манзилига етказиб берадиган поезд, самолёт, от арава, эшак аравалар Иккинчи жаҳон уриши даврида ҳам бир зум тўхтаган эмас.

➪ 4-бет

### АМНИСТИЯ ВА АФВНИНГ БИР-БИРИДАН 10 ТА ФАРҚИ

Ҳуқуқшунослик қоидаларига кўра, амнистия норматив акт ҳисобланади, афв эса бундай эмас. Чунки амнистия ҳуқуқ нормасининг туғилишига сабаб бўлади, афв эса ҳуқуқни қўллаш характеридаги акт, холос.

➪ 5-бет

### ОДАМЛАРНИНГ ДАРДУ ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАШ ЧИН МЎМИНЛИК БЕЛГИСИДИР

*(Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон АЛИМОВ ҳазратлари билан суҳбат)*

Ўтган бир йилни сарҳисоб этадиган бўлсак, Аллоҳга шукрки, муҳтарам Президентимиз давлат раҳбари сифатидаги биринчи ишни халқимизнинг дарду ташвишларини енгиллатиш, эртанги кунга ишонч уйғотиш, имон-эътиқодини мустаҳкамлашдан бошладилар.

➪ 6-7-бет

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## 2017—2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ “ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси (кейинги ўринларда Ҳаракатлар стратегияси деб юритилади) ўрта муддатли истиқболда давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берган энг муҳим дастурий ҳужжат ҳисобланади.

2017 йилда Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда алоҳида эътибор **“Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун”** деган тамойил ва **“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”** деган эзгу ғоянинг, энг аввало, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш ҳамда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг реал ҳимоя қилинишини таъминлаш орқали ҳаётга амалий татбиқ этилишига қаратилди.

Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида 30 дан ортиқ қонунлар ҳамда 900 дан ортиқ қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши кенг кўламли ислоҳотлар, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, халқ фаровонлигини юксалтиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари,** шунингдек, ҳар бир давлат органида ташкил этилган фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича махсус бўлинмалар аҳоли билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги самарали тизимини шакллантиришга хизмат қилди.

**Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси** давлат бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш, “Электрон ҳукумат” ва давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш, иқтисодиётга маъмурий таъсирни қисқартириш ҳамда бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш, соғлом рақобат муҳити ва қулай инвестиция иқлимини яратиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб берди.

**Суд-ҳуқуқ тизимида** судларнинг ҳаққоний мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлаб олишнинг демократик ва шаффоф механизмини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жойларда маъмурий ва иқтисодий судларнинг ташкил этилганлиги одил судловга эришиш даражасини ошириш имконини берди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини ислоҳ қилиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатда жиноятчиликнинг умумий кўрсаткичи 15,7 фоизга камайишига эришилди, 1,2 минг маҳаллаларда бирорта жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Илгари, асосан хавфсизликка хавф-хатар ва таҳдидлар оқибатларига қарши курашиш билан чекланган терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга ёндашувлар концептуал қайта кўриб чиқилди. Мазкур муаммоларни ҳал қилишда, биринчи навбатда, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини юксалтириш орқали одамларнинг онги учун курашиш устувор вазифа этиб белгиланди.

Ўз тақдирини Ўзбекистон билан боғлаган, мамлакатимиз фаровонлиги йўлида ҳалол ва виждонан меҳнат қилаётган, ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра фуқаролиги бўлмаган шахсга айланиб қолган фуқароларнинг ҳаётий муҳим масалаларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган даврда 1 243 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди.

**Иқтисодий соҳада** кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилди, энг аввало, Ўзбекистоннинг ўз мажбуриятларини бажариш ва чет эл ҳамкорларининг даромадларини репатриация қилиш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун шарт-шароитларни таъминловчи миллий валюта эркин конвертациясининг жорий этилганлиги бу борада муҳим қадам бўлди.

Давлат бюджетини шакллантиришнинг тамомила янги принциплари ва механизмлари жорий этилди, унинг даромад ва харажатлари шаффофлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Давлат активларини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш ва бюджетнинг даромад қисмини кўпайтиришга қаратилган ишга солинмаган захиралардан фойдаланиш чоралари кўрилди.

Биринчи босқичда — узоқ муддатли (10-15 йилга мўлжалланган) тармоқ, ҳудудий ва мақсадли ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш, иккинчи босқичда — тармоқ, ҳудудий ва мақсадли лойиҳалар портфелларини тузиш, учинчи босқичда — ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришнинг мутлақо янги тартиби тасдиқланди.

**Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар,** биринчи навбатда, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиғини сақлашни кучайтириш, аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш, фуқароларнинг бандлиги ва реал даромадларини ошириш, арзон ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Шаҳарлар ва қишлоқларда умумий турар жой майдони 3,5 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган намунавий ва кўп қаватли уйлар қурилди. Турар жой қурилиши ҳажмлари 2010 йилга нисбатан 3,5 бараварга ошди.

Халқ билан мулоқот натижалари бўйича 11 йиллик умумий ўрта таълимни қайта тиклаш ҳақида қарор қабул қилинди, олий таълим муассасаларига қабул қилишнинг шаффоф механизмлари жорий этилди ва квоталар жилдий равишда оширилди. Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди.

**Миллатлараро тинчлик ва тотувликни, пухта ўйланган ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсат амалга оширилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар** кўрилганлиги натижасида қўшни давлатлар билан ишончли муносабатлар йўлга қўйилди, Марказий Осиё ҳудудида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилди.

Фақат ўтган йилда 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 та давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди, 400 дан ортиқ келишувларга эришилди, 60 миллиард АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги битимлар имзоланди.

**Шу билан бирга, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот якунлари ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ўтказилган ишларнинг танқидий таҳлили аҳоли фаровонлигининг реал ўсишига ва жойларда ишлар ҳолатининг тубдан яхшиланишига тўсқинлик қилувчи қатор муаммоларни кўрсатиб берди.**

Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш юзасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин:

**давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида** — давлат хизматининг нуфузи ва самарадорлигини ошириш, ижро этувчи ҳокимият органлари вазифа ва тузилмасини қайта кўриб чиқиш, вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг мустақиллигини ошириш, марказий органларнинг айрим ваколатларини маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиш, давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини, уларнинг сифати ва тезкорлигини тубдан ошириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

2-бет



## БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ „ФАРҒОНА ТОНГ ОТГУНЧА“ ҚЎШИҒИНИ ШУ ЕРДА ЭШИТИШ ОРЗУСИДА ЭДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Фарғона вилоятида ҳам турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Фарғоналиклар учун энг қадрли жой қаер эканини биласизми? Бугун Фарғонага келган меҳмон бўладими ёки хорижлик сайёҳ, албатта, бу масканга ташриф буюради. Бу Ислом Каримов номидаги Театр-концерт саройи. Биринчи Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган мазкур санъат саройи Фарғона аҳли учун азиз туҳфалардан бири сифатида янада қадрли.

Шарқ ва Ғарб меъморчилиги анъаналарини уйғунлаштирган ушбу улуғвор кошона узоқдан кўлда сузиб юрган оққушни эслатади. Унинг миллий услубда безатилган эшик ва устунлари, саҳна теграсидаги ранго-ранг ёритгичлар, томоша зали узра осмон гумбазининг бир парчаси тасвирланган манзара, бошқа яна бир қанча қулайликлар бу сарой яхлит бир муҳташам санъат асари эканини намоён этади. Сарой жойлашган майдонда тўртта фаввора, суғориш ва ташқи ёритиш тизимлари, ноёб дарахтлар ва анвойи гуллар ҳамиша атрофга чирой бахш этиб туради.

— Ушбу муҳташам Театр-концерт саройи ўрнида илгари қўланса ҳид бурқсиб ётган кўримсиз ёғ-мой заводи бўлганини ҳозир фарзандларимизга, меҳмонларга айтсак, ишонишмайди, — дейди меҳнат фахрийси Дониёр Эргашев. — 40 гектарлик ҳудудни эгаллаган эски корхона бошқа жойга кўчирилиб, бинолари бузилиб, тупроғигача янгиланди. Бетакрор меъморий ечимга эга кошона барпо этилиб, атрофи кўкаламзорлаштирилди. Бугун бу ердаги ажиб манзара, ўзига хос ободлик ва бетакрор гўзалликни кўриб, инсоннинг қўли гул, бугунимиз фаровон, эртамиз янада порлоқ эканига ишонч ҳосил қиласиз. Буларнинг барчаси Биринчи Президентимиз Ислом Каримов номи билан боғлиқ.

Дарҳақиқат, Ислом Каримов бунёдкорлик соҳасида амалга оширган ва бугун унинг сафдошлари, шогирдлари томонидан давом эттирилаётган улкан қурилиш-ободонлаштириш ишлари Ўзбекистоннинг бутун жаҳон эътиборини тортаётган ўзига хос “ташриф қоғози”га айланган. Фарғонадаги улкан бунёдкорлик ишларининг бош меъмори — Ислом Каримовдир. 2011 йилда бошланган Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш ишлари шаҳар қиёфасини бутунлай ўзгартириб, одамлар дунёқарашини кенгайтирди. Бугун фарғоналиклар Биринчи Президентимизнинг эзгу ишларини фахр билан тилга олади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев қарорига мувофиқ, мазкур санъат масканига мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов номи берилгани тарихий воқеа бўлди. Бу фарғоналикларга чексиз қувонч, фахр-ифтихор бағишлади. Бугун ким билан суҳбатлашманг, Ислом Каримовнинг мустақиллигимиз, халқимизнинг эркин ва фаровон яшаши йўлида улкан матонат ва маънавий жасорат кўрсатгани ҳақида тўлқинланиб сўзлайди.

3-бет

Газета ўқимаган узоқни кўра олмайди!

Ўқинг, баҳра олинг ва уни дўстларингизга ҳам ҳадя этинг. “Hurriyat”да чоп этилган материаллар билан www hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.

“HURRIYAT” ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

»ЭКОСАЁҲАТ

## ОМОНХОНА СИНОАТЛАРИ

Бойсун деганда кўз ўнгимизга пурвиқор тоғлар келади. Ана шу тоғлар бағри мўъжизаларга бой. Омонхона булоғи улардан бири бўлиб, туман марказидан 16 километр узоқликда, Омонхона қишлоғида жойлашган.



Сурхондарё вилоятига уюштирган навбатдаги сафаримизнинг дастлабки куни мазкур қишлоққа йўл олдик. Мақсад — қишлоқнинг бетакрор табиий ландшафтини, Омонхона булоғи, ғор ва унгурларни, турли шаклдаги харсангларни, арчазорларни тасвирга олиш эди.

Эрталабки қуёш нурида тоғлар, тик қоялар ялтираб кўринмоқда. Чўққиларда қор кам. Тоғларнинг ўрта қисми ям-яшил арчалар билан қоплланган. Баъзи қишлоқлар тоғлар орасида, арчазорлар пастидаги текисроқ ерларда жойлашган.

Қизилдара Омонхонага борувчи ҳар қандай йўловчи, сайёҳнинг эътиборини тортиши табиий. Негаки, даранинг табиий ландшафти ниҳоятда фусункор. Қизил тусли, турли шаклдаги қоялари улкан ёқутдай товланиб турибди. Бу ерда биронта довдарахт йўқ, сув ҳам оқмайди. Аммо бу ҳолат дара кўркига соя сололмайди.

Омонхона — қирлар орасида жойлашган мўъжазгина қишлоқ. Бу ерда 150 дан ортиқ оилада мингдан зиёд киши истиқомат қилади. Қишлоқ аҳли асосан чорвачилик ва боғдорчилик билан машғул. Сойларида сув кам. Ёз бошланиши билан қуриб қолади. Кўплаб одамлар бироз олисдан, арчазорлар орасидаги булоқлардан шланглар ёрдамида сув келтириб, зироатчилик қилмоқда. Омонхоналикларнинг уста боғбон эканини қияликларда яшнаб турган боғларидан билса бўлади. Ахир, одам зўрға юрадиган қияликда юзлаб дарахтларни ўстириш ўзи бўладими! Суриштирсак, боғлардан бирини Тўхта бобо Оллонов барпо қилган экан. У Султон Валий Балогардон зиёратгоҳи атрофини обод қилиш мақсадида қаровсиз ерга бодом, олма, ўрик, шафтоли кўчатларини экkан. Натижаси яхши. Боғ аллақачон мевага кирган. Зиёратчилар бу ернинг обод масканга айланганини кўриб, қишлоқ аҳлига, шу жумладан, Тўхта бобога миннатдорлик билдирмоқда.

1-бет

Alisher Navoiy ... O'zbekiston MK

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# 2017—2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ “ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

*Бошланиши 1-бетда*

**қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида** – фуқаролар шахсий ҳаёти дахлсизлигининг конституциявий кафолатларини, шу жумладан, тинтув ва телефон орқали сўзлашувларни эшитиб туришга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, Олий Мажлис ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш бўйича комиссияни ташкил этиш орқали янада мустаҳкамлаш, миллий хавфсизлик органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш, вақтинча сақлаш, тергов ҳибсхоналари, жазони ижро этиш муассасаларини видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати ходимларини мобиль видеокамералар билан таъминлаш, патруль хизматининг стационар постлари сонини оптималлаштириш;

**иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида** – фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратиш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини ва улар фаолиятига ноқонуний аралашишларнинг олдини олиш механизмларини, солиқ ва божхона сиёсатини, банк-молия соҳасини янада такомиллаштириш, аграр секторни ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига имтиёзлар тақдим қилган ҳолда индивидуал имтиёзлар беришдан воз кечиш, ҳудудларни фаол ривожлантириш;

**ижтимоий соҳани ривожлантириш соҳасида** – ижтимоий ҳимоя қилиш ва фуқаролар соғлиғини сақлашни янада кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий дорихоналарнинг ривожланган тармоғини яратиш, аҳоли бандлиги ва фуқароларнинг реал даромадларини ошириш, “истеъмол саватчаси”ни аниқлаш, ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш;

**хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, ташқи сиёсат соҳасида** – Ўзбекистон Республикасининг янги Миллий хавфсизлик концепциясини қабул қилиш, хорижий шериклар билан ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тизимини такомиллаштириш, терроризм, экстремизм ва ахборот таҳдидларига қарши қурашиш, миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, Ташқи ишлар вазирлиги ва дипломатик ваколатхоналар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, хорижда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, ўзаро манфаатли ташқи сиёсатни давом эттириш, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш.

2. **Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишга икки йил муддатга мораторий эълон қилинсин**, жиноят иши доирасида ва юридик шахс тугатилиши муносабати билан ўтказиладиган текширишлар бундан мустасно.

Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 апрелдан бошлаб:

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши давлат солиқ хизмати органларининг бўшаётган 228 та штат бирликларини прокуратура органларига ўтказган ҳолда тугатилади;

адлия органларининг кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари, чет эл инвесторлари ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бир-бирини такрорловчи функция ва ваколатлари чиқариб ташланади;

жиноят ишлари доирасида ўтказиладиган молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) бир ойдан ошмаслиги лозим, алоҳида ҳолларда текшириш бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан узайтирилиши мумкин;

тадбиркорлик фаолиятини юритишдаги ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ҳолатлар бўйича жиноят ишларини қўзғатиш фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг розилиги билан амалга оширилади;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар, ўтказилган текширишлар ва мониторинг (асос, текшириш ёки мониторинг ўтказиш вақти, уларни ўтказган ходимлар ва бошқалар) ва аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотлар мажбурий тартибда прокуратура органларининг махсус электрон ахборот тизимига киритилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

инновацион ва илмий фаолиятни давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари, шу жумладан, инновацион лойиҳаларни фоизсиз кредитлаш ҳамда инновацион лойиҳаларни кредитлаш учун тижорат банкларига давлат кафолатларини беришни ҳам назарда тутувчи “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ва “Фан тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва кенг жамоатчилик муҳокамасидан кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин;

маҳаллий лойиҳа ва пудрат ташкилотларининг ташқи бозорларга чиқишини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар, замонавий халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда шаҳарсозлик норма ва қоидаларини тўлиқ қайта кўриб чиқиш, энергия тежамкор технологияларни фаол жорий этишни назарда тутиб, қурилиш соҳасини инновацион ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда бир ой муддатда назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишлар, мониторинг ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар ҳақидаги зарур ахборотларни доимий киритиб боришни назарда тутувчи махсус электрон ахборот тизимини ишлаб чиқсин ва жорий қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги қонунбузилишлар ҳақидаги маълумотларни текшириш тартибини ишлаб чиқсин ва киритсин;

Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда тадбиркорлик фаолияти соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, қонунчилик нормаларини етказиш ва тушунтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича айбдор шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги принципи сўзсиз амалга оширилишини таъминлаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти соҳасида, энг аввало, тадбиркорлик субъектлари, чет эл инвесторлари ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик ижроси устидан назоратни кучайтирсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

а) қуйидагилар 2023 йил 1 январга қадар муддатга ягона ижтимоий тўловдан ташқари, барча турдаги солиқ ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилинади:

юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалари-стартапларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилиналган венчур фондлар;

венчур фондлардан биргаликда молиялаштириладиган юқори технологияли лойиҳалар-стартаплар;

илмий-тадқиқот муассасалари, инновацион марказлар, лойиҳа-конструкторлик бюролари ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотишдан (фойдаланишга беришдан) олинган даромадлар бўйича;

янги технологияларни маҳаллий тадбиркорликка трансфер қилувчи ташкилотлар бу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича;

б) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги электрон тижорат соҳасида махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат дастурида белгиланган муддатларда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари – «Халқ қабулхоналари» замонавий биноларининг тасдиқланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ қурилиши ва жиҳозланишини таъминласин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда электрон навбат ва давлат хизматини кўрсатишнинг боришини масофадан видеокузатиш тизимларини жорий этиш, олис аҳоли пунктларида мобиль давлат хизматлари марказларини ташкил қилиш, шунингдек, мобиль алоқа воситалари орқали давлат хизматлари кўрсатишни таъминласин.

10. Вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга қабул қилишга бўлган тақиқ, шунингдек, вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги бекор қилинсин.

11. Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар Давлат дастурига киритилган тадбирларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан таъсирчан назоратни, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳар чоракда тақдим этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириб боришни таъминласин.

12. Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ташкилотлар:

энг аввало замонавий ишлаб чиқаришни жорий этишга мўлжалланган инновацион ғоялар ҳамда технологияларни, фаол тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга;

ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши ва аҳолининг ҳаёт даражаси ҳамда фаровонлигини оширишга кўмаклашувчи фан ва инновацион фаолиятни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга;

илғор фикрлайдиган, ташаббускор ва масъулиятли ходимлар ҳамда фуқароларни ҳар томонлама амалий қўллаб-қувватлашга;

**“Ҳар бир давлат хизматчиси ҳар куни ўзининг меҳнати билан эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини исботлаши шарт”** деган қоидани рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Инновацион ривожлантириш вазирлиги “Тараққиёт стратегияси” маркази билан биргаликда:

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тизимли мониторинг қилинишини ҳамда у ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун қўшимча чора-тадбирларни кўриш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилишини;

Давлат дастури амалга оширилиши ҳақидаги маълумотларнинг ҳар ой умумлаштирилишини ҳамда унинг якунлари аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришлар кўрсатилган ҳолда ўзларининг веб-сайтларида жойлаштирилишини;

мониторинг натижалари ҳақида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот киритилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий обзорларнинг чет тилларда тайёрланиши, нашр этилиши ва кенг тарқатилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ўзаро яқин ҳамкорликда:

мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида кенг тушунтирилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши ҳақидаги холис, тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

ушбу Фармоннинг мазмун ва моҳиятини, шунингдек, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга қаратилган зарур маълумотларнинг халқаро жамоатчиликка тизимли етказилишини;

Давлат дастурини амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ташкилотларига илғор хорижий тажрибани ўрганишда ҳар томонлама кўмаклашишни таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 22 январь*

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонига ШАРҲ

Кейинги бир йилда Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида кенг кўламли ижобий ўзгаришлар рўй берди, бунда асосий эътибор фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аҳоли манфаатларини амалда таъминлашга қаратилди.

«Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун», «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган эзгу ғоялар Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишнинг асосини ташкил қилди.

Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида давлат ва жамият қурилиши тизимини сифат жиҳатидан яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий соҳа, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, вазмин ва амалий ташқи сиёсат юритишга қаратилган қатор аниқ ва амалий чора-тадбирлар кўрилди.

Шу билан бирга, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида қилинган ишларнинг танқидий таҳлили жойларда аҳоли фаровонлигини ошириш ва ишлар аҳволини тубдан яхшилашга тўсқинлик қилаётган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари ўзининг 2017 йил 22 декабрь куни парламентга йўллаган тарихий Мурожаатномасида ҳам мавжуд ўткир муаммоларга эътибор қаратди, уларни ҳал этишнинг аниқ йўлларини таклиф қилди.

Шу муносабат билан Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб юритилади) лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда 10—20 январь кунлари аҳоли ўртасида кенг ва атрофлича муҳокама қилинди.

Давлат дастури лойиҳасини муҳокама қилиш давомида фуқаролардан 4,4 мингта таклиф ва шарҳ келиб тушди, улардан Давлат дастурини такомиллаштиришга фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 22 январь куни қабул қилинган Фармони билан Давлат дастури тасдиқланиб, унинг асосий йўналишлари ва уни амалга оширишнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари белгиланди.

Фуқаролардан келиб тушган таклифларнинг аксариятида кўрсатилган долзарб муаммоларни ҳал қилишга оид алоҳида ҳуқуқий нормалар бевосита Фармоннинг ўзида кўрсатилган бўлиб, уларнинг ижросини дарҳол таъминлаш шарт экани белгиланди.

Фармон билан **тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича икки йил муддатга мораторий эълон қилинди. Эндиликда, Фармон эълон қилинган кундан бошлаб тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг текширувларига вақт ва ресурс сарфламасдан ўз фаолиятини хотиржам амалга оширишлари мумкин.**

Яна бир муҳим янгилик – вақтинча ёки доимий пропискаси бўлмаган ёхуд турар жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга олишга оид тақиқ бекор қилинади. Ушбу норма фуқароларга мамлакатимизнинг исталган ҳудудида, айниқса, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ишга жойлашишда ҳеч қандай чекловларсиз ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш имконини беради. Истиқболли кадрлар қаерда доимий ёки вақтинча прописка қилингани, турар жойи бўйича ҳисобда турганидан қатъи назар, пойтахт минтақасида меҳнат қила оладилар.

Ўз навбатида, иш берувчилар вақтинча ёки доимий пропискаси бўлмаган ёхуд турар жойи бўйича ҳисобдан ўтмаган фуқароларни ишга олганликлари учун жавобгарликдан озод этилади.

Давлат дастури 5 бўлимдан иборат. Давлат дастури доирасида 37 та қонун (Сайлов кодекси, «Давлат хизмати тўғрисида», «Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида», «Фан тўғрисида», «Инновацион фаолият тўғрисида»ги ва бошқалар)ни ишлаб чиқиш, 142 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ҳамда турли соҳаларни қамраб оладиган 52 та амалий чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

**Давлат дастурининг биринчи бўлими давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришга бағишланган.**

Шубҳасиз, «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги муҳим қадам бўлади. Ушбу ҳужжат, аввало, давлат идораларида хизматни ҳақиқатдан нуфузли фаолиятга айлантиради, давлат хизматчиларининг меҳнат ҳақи ва ижтимоий ҳимояси учун муносиб тизим шакллантиради, юклатилган вазифаларнинг сифатли ижроси учун давлат хизматчиларининг жавобгарлигини оширади. Эндиликда **ҳар бир давлат хизматчиси эгаллаб турган лавозимга муносиб эканини ҳар куни исботлаши шарт.**

**Давлат функцияларини ва ваколатларининг амалдаги марказлашган тизимига барҳам берилади.** Биринчидан, ҳукуматнинг алоҳида функциялари, айниқса, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги вазифалари вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказилади. Иккинчидан, тегишли ҳудудда давлат сиёсатини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун масъул мансабдор шахслар сифатида барча даражадаги ҳокимларнинг ваколатлари кенгайтирилади ва мавқеи мустаҳкамланади.

Бундан пировард мақсад – ҳокимлар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишни амалда таъминлаш имконини берадиган реал ваколатларга эга бўлишига эришиш.

Фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этишга бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқаришнинг янги механизми сифатида **электрон жамоавий мурожаат қилиш – петиция** йўллаш тизими жорий қилинади. Ушбу тизим фуқароларга давлат ҳокимиятининг ваколатли органларига аниқ саволлар қўйиш имконини беради, ушбу органлар эса фуқароларнинг маълум сони томонидан маъқулланган мурожаатлар юзасидан чора кўриши шарт бўлади.

Мазкур механизм туфайли фаол фуқаролар ва жамоат ташкилотлари турли муаммолар ечими бўйича ташаббус кўрсатишлари мумкин. Шу орқали «Мамлакат ҳаётига алоқадор энг муҳим қарорлар бевосита мулоқот асосида қабул қилинади», деган тамойил амалда рўёбга чиқарилади.

**Давлат дастурининг навбатдаги муҳим йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишдир.**

2018—2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича концепцияни ишлаб чиқиш, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини қайта кўриб чиқиш режалаштирилган. Жиноий ва маъмурий жавобгарликни либераллаштириш, процессуал нормаларни такомиллаштириш кўзда тутилган.

Дастлабки тергов устидан суд назоратини кучайтириш учун тинтув ва телефон сўзлашувларини эшитишга санкция бериш ваколати судга ўтказилади.

Инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида терговга изоляторлари ва жазони ижро этиш муассасалари видеокузатув воситалари билан жиҳозланади.

Ички ишлар органлари йўл-патруль ва патруль-пост хизматларини улар фуқаролар билан муомала қилаётганда фойдаланиладиган видео-фиксаторлар билан таъминлаш кўзда тутилган бўлиб, бу нафақат фуқаролар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши, балки тинчлигимиз посбонлари томонидан ўз вазифасини суиистеъмол қилиши ҳолатларининг ҳам олдини олишга хизмат қилади.

Давлат дастурида прописка ва паспорт тизимини соддалаштиришга доир чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилган. Хусусан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискаси бўлмаган фуқаролар иккиламчи бозорда кўчмас мулк харид қилиш имкониятига эга бўлади.

**Давлат дастурининг учинчи йўналиши иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга бағишланган.**

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш соҳасида илғор ғоялар, «смарт» технологиялар ва ноу-хауларга асосланган инновацион тараққиётнинг янги моделига босқичма-босқич ўтиш кўзда тутилмоқда.

Венчур фондлар, венчур молиялаштиришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий асослар, шунингдек, иқтисодиётга инновациялар ва янги технологиялар жорий этишни рағбатлантирувчи механизмлар ишлаб чиқилади.

2023 йилнинг 1 январига қадар венчур фондлар, юқори технологик стартап-лойиҳалар, илмий-тадқиқот муассасалари, инновация марказлари ва лойиҳа-конструкторлик бюроларига ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотиш (фойдаланиш учун тақдим этиш)дан тушган даромадлари бўйича солиқ имтиёзлари тақдим этилади.

Ер участкалари беришда шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш мақсадида интернет тармоғида электрон савдолар ўтказишни жорий қилиш режалаштирилган. Давлат активларини **электрон савдо майдонлари** орқали сотиш тизимини яратиш кўзда тутилмоқда.

Банклар ва банк фаолиятига доир қонунчилик тубдан қайта кўриб чиқилиб, соҳада «рақамли банкинг», «интернет-банкинг» ва бошқа замонавий технологиялар татбиқ этилади.

Солиқ ва божхона сиёсатини такомиллаштириш ва оптималлаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқ ва божхона маъмурчилигини соддалаштириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Туризм соҳасини ривожлантириш, кириш туризми ва ички туризмни ривожлантиришни рағбатлантириш, сайёҳлар учун маъмурий ва виза билан боғлиқ тартиботларни соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

**Давлат дастурининг кейинги бўлими ижтимоий соҳани ривожлантиришга бағишланган.**

Аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича “истеъмол саватчаси”га оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш назарда тутилган. Ҳудудлар кесимида «истеъмол саватчаси»ни ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар миқдорини белгилаш тизимига босқичма-босқич ўтиш мўлжалланмоқда.

Тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш ва тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилади. Соғлиқни сақлаш соҳасига **«ақлли тиббиёт»** тизими, инновацион технологияларни жорий қилиш кўзда тутилмоқда.

Аҳолини арзон нархлардаги сифатли дори воситалари билан таъминлайдиган **2 мингта ижтимоий дорихона** ташкил этиш режалаштирилган.

Аҳоли, айниқса, ёш оилаларнинг арзон уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида 2018 йилда бундай уйларни қуриш ҳажми **1,5-2 баробар** оширилади. Бу мақсадлар учун **5 триллион 286 миллиард сўм** маблағ йўналтирилади.

Аҳолини телекоммуникация хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш учун чекка ҳудудларда **2000 километр оптик толали алоқа линиялари** тортиш, интернет тезлигини 2,5 баробар ошириш ва **4 мингдан зиёд мобиль алоқа таянч станцияларини** ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

**Давлат дастурининг бешинчи йўналиши – хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, вазмин, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш.**

Хусусан, **хорижда яшаётган ва ишлаётган юртдошларимиз билан ҳамкорлик қилиш бўйича давлат сиёсати концепцияси** ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

**Экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолган** фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, бундай фуқароларни соғлом муҳитга қайтариш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Диний маърифат тизими қайта кўриб чиқилиб, бу борада аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида олиб борилаётган ишлар самарадорлиги ва таъсирчанлиги кучайтирилади.

Мухтасар айтганда, Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга 13,5 триллион сўм ва 1,3 миллиард АҚШ доллари йўналтирилади.

Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини амалда юксалтириш ва фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Шиоримиз:

# „ДУНЁ БИЗНЕСИНИ ЎЗБЕКИСТОНГА ЯҚИНЛАШТИРИШ“

**Мана, ўн йилдан зиёд вақтдан буён Ўзбек — Хитой Савдо Уйи мамлакатимиз бозорида юқори поғонани эгаллаб, Ўзбекистон иқтисодиётига муносиб улуш қўшиб келмоқда. Компания Савдо-саноат палатасининг Хитой Халқ Республикасидаги Бош ваколатхонаси ва Гуанчжоу провинциясидаги экспортёр ва импортёрларнинг савдо палатаси кўмагида фаолият бошлаган. Ўтган давр мобайнида ЎХСУ истиқболли стартапдан ускуналарнинг етакчи етказиб берувчиси босқичигача бўлган йўлни босиб ўтди ва Ўзбекистон тадбиркорлари ҳамда бошқа мамлакат ишбилармонларининг манфаатларини бирлаштиришда ўзига хос кўприк вазифасини бажариб келмоқда. Хўш, ушбу компания қандай бунёд этилди, уни кимлар ҳозирги даражасига олиб чиқди? Тадбиркорлик мамлакат иқтисодиётига катта ҳисса қўшадиган соҳа экани нафақат республикамиз, балки жаҳоннинг ривожланган давлатлари мисолида аллақачон тасдиғини топган бир даврда бундай саволлар кўпчиликни, айниқса, ишбилармонларга ҳавас қилиб, ўз бизнесини йўлга қўйишга интилаётган ёшларни қизиқтириши табиий. Шу маънода Ўзбек — Хитой Савдо Уйи раҳбари Ҳикмат АБДУРАҲМОНОВнинг бугунги мавқеи, фаолияти, қолаверса, ҳаётий тажрибалари ёшлар учун катта сабоқ мактабидир...**

## “Менга кўп китоб совға қилишган..”

Инсоннинг болалик орзулари уни бутун умри давомида эзгу, улуғвор ишларга ундайди ва бу ҳаётига мазмун бағишлайди. Унда ҳам шундай бўлган. Зиёли оиланинг кенжа фарзанди, унинг хоҳиши, қизиқиши беэътибор қолдирилмаган. Аввал рус, сўнг ўзбек мактабида ўқишига тўғри келган.

– Биринчи мактабимдан кўчиришгани бола қалбим, руҳиятимга жиддий таъсир қилган, синфдошларимни соғинардим, янги мактабга кўникиш осон бўлмаган. Энди билсам, ота-онам ўшанда тўғри қилишган экан. Қийинчиликлар ўтади-кетади, аммо уларни енгишни ўрганиш, ўз тили, қадриятларини тўла англаш ва қадрлаш болаликдан бошланади, – дейди қаҳрамонимиз ўша даврни эслаб жилмаяркан, мамнун бўлиб. – Болалигимда менга кўп китоб совға қилишган, айниқса, отам тавсия қилган китоблар, ўйлаб қарасам, мени мустақил ҳаётга тайёрлаган экан. Асар қаҳрамонлари яқин ўртоғимдек бўлиб қолганди. Шерлок Холмсдан масалаларни таҳлил қилиш, уларнинг ечимини қидириб чарчамасликни, Мартин Идендан меҳнатдан қочмаслик, мақсадга эришишга бўлган иштиёқни, гладиатор, Спартакдан рақиблар билан бўлган курашларда доим ютиб чиқишни ўрганиш мумкин. Китоб ўқи, дейиш қийин эмас, лекин фарзандинг қайси ёшда қандай китобни ўқиши муҳим ва бу унинг атрофидагиларга боғлиқ. Масалан, ўқувчилигимда отамнинг “Дейл Карнегини ўқи, қандай дўст орттиришни ўрганасан”, деган ундови ҳозир атрофимда дўстлар, ҳамкорларнинг кўплигига бир замин ҳозирлаган, деб ўйлайман...

## Касб танлаш завқи...

Ҳар бир ота-она фарзандларининг мустақил фикрли, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини истайди ва шунга яраша уларга йўл-йўриқ кўрсатади. Ҳикмат кўп йиллар масъулиятли лавозимларда ишлаган ота-онасининг маслаҳатига қулоқ тутди. Республикамиздаги нуфузли олий ўқув юрти – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ўқишга кирди. Энг кучли иқтисодчилар, давлат арбоблари, чет давлатлардан келган профессор ўқитувчилардан олинган сабоқлар, хориж олий ўқув юртлари билан алмашув дастурлари бўйича турли мамлакатларда бўлиб, тажриба, илм ўрганиш унинг илк муваффақиятларига замин яратди. Аълочи йигит бакалавр дипломига эга бўлгач, имтиёзли равишда магистрлик йўналишида таҳсил олди ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги қошидаги экспорт билан шуғулланадиган ташкилотда иш бошлади. Аммо қизиқишу иқтидорини намоён қилиши учун ушбу ташкилотнинг кичик бир “механизми” бўлишнинг ўзи етарли эмас эди. У халқаро бизнесни ўрганиш иштиёқи билан Буюк Британиядаги нуфузли Сент Эндрюз университетининг магистратура босқичига ўқишга кирди...

– Дунё олимлари 2000 йиллардан кейин туғилган ёшлар тиббиёт ва технологиялар ривожланиши ҳисобига юз йил ва ундан зиёд умр кўришини тахмин қилишяпти. Демак, ҳаёти давомида инсоннинг бир эмас, бир нечта касбни эгаллаш имкони бор, – дея сўзини давом эттиради суҳбатдошимиз. – Касбни мукаммал эгаллашнинг энг яхши йўли эса уни амалиётда синаб кўриш. Бакалавр дипломини олгач, кўпинча ота-она фарзандига магистратурани ҳам ўқиб қўй, деб маслаҳат беради. Бу қанчалик ўзини оқлайди, аввало шуни ўйлаб кўриш керак. Ҳолбуки, бугунги глобаллашув, технологиялар ривожи юқори босқичга кўтарилаётган, тадқиқотларга қараганда, анъанавий касблар ортда қолиб, келажакда касбу кор ўзгариб кетиши кутилаётган бир пайтда вақтни бехуда совуриб қўймаслик лозим. Ўзимда ҳам биринчи магистрлик дипломи учун кетган вақт ортиқча бўлган. Танланган соҳада ўзингизни синаб, қизиқишларингизга мослигига амин бўлиш тўғри йўл, деб ҳисоблайман. Ҳозирги кунда “дизайн фикрлаш” деган ибора бор. Бу бозор муносабатларини, харидор талабини ўрганиб, сўнг маҳсулот тақдим этиш дегани. Ўқишга ҳам шу нуқтаи назардан ёндашиш керак...

## Илк муваффақиятлар...

– Ота-онам давлат ташкилотларида хизмат қилган, ошга қараб яшаганимиз боис, лицей ўқувчиси бўлганимдаёқ ўзим учун зарур нарсаларга пул топишга, молиявий мустақил бўлишга интилганман. Ўртоқларим билан кичик-кичик лойиҳалар тузиб, уни амалга оширишга ҳаракат қилардик. Масалан, кимнингдир сотилиши керак бўлган маҳсулоти бору харидори йўқ, кимгадир компьютер ёки бошқа бирор техника керак, шуни ўрганиб чиқиб, кўмаклашиш орқали анча-мунча тадбиркорлик тажрибасини тўплаганмиз. Бирор ишда муваффақиятга эришиш учун киши ҳамма босқичларни ўзи бошидан ўтказиши керак экан, ўхшаса, жуда соз, ўхшамаса, қоқилиб-қоқилиб, ўз хатоингни тушуниб етасан ва уни тузатишга уринасан. Дунёнинг машҳур ишбилармонлари Стив Жобс, Марк Цукерберг, Билл Гейтс ҳам ўз бизнесини “орқа ҳовлиси”дан бошлаган. Ҳозир давлатимиз раҳбари ҳар чиқишларида ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашу тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга бежиз катта эътибор бераётгани йўқ. Бу – дунё тажрибаси ва биз унинг энг яхши жиҳатларини ўзлаштиришимиз керак. Шу маънода мен ҳам Шотландияда ўқиб юрган вақтимдаёқ ҳозирги компанияни ташкил этиш режасини тузганман. Яна бир муҳим гап: ўқишни битирган ёш мутахассис, албатта, давлат ёки хусусий, халқаро ташкилотда ишлаб бироз бўлса-да, тажриба орттириши керак. Ўз бизнесини бошлаганда, бу тажриба жуда асқотади, буни ўзим мисолимда айтяпман. Шундай қилиб, дўстлар-шерикларим билан фаолиятимиз 2006 йилнинг 1 августидан, Гуанчжоу шаҳридан бошланган. Жаҳоннинг энг ривожланаётган минтақаларидан бири, ҳар куни юзлаб компаниялар ташкил этилиб, юзлаб компаниялар йўқликка юз тутарди. Бу ерда ҳар бир дақиқанинг қадри юксак, бозор эса ҳар куни ўзгариб боради. Вақтнинг қадри ва рақобатнинг шафқатсизлиги биз Хитой бозорида англаб-ўзлаштирган биринчи қоидамиз эди.

Хитойлик ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатганимиз, харидорларга юқори даражада хизмат кўрсатишга тайёрлигимиз бир неча ойдан кейин, қисқа фурсат ичида ўзбек тадбиркорлари учун биринчи ускунани етказиб бериш имконини яратди. Ҳамон эсимда: ушбу “партия” мебель, ёғочни қайта ишлашга мўлжалланган ҳамда фармацевтика учун қадоқлаш ускуналаридан ташкил топган эди. Ўша пайтда Ўзбекистон бозори Хитой билан энди-энди муносабатлар ўрнатаётган бўлиб, маҳаллий бизнес вакиллари Хитой компанияларига ҳали ишонч билдирмаган эди. Бундан ташқари, ўша пайтларда Хитой ускуналарининг сифати талабга жавоб бермайди, деган тасаввур кенг шаклланганди. Ўзбекистонлик тадбиркорлар ўша вақтда ҳали унча ривожланмаган, Хитой машинасозлик саноати борасида етарли тасаввур уйғотмайдиган Ғарбий қисмни (Урумчи) афзал билиб, мамлакатнинг Шарқий соҳилбўйи илғор ҳудудларига камдан-кам боришарди. Табиийки, биз, биринчи галда, бундай нотўғри “стереотип”ни енгишимиз, холис бўлишимиз, тадбиркорларга технология ва ишлаб чиқариш қувватларига бой реал Хитойни таништиришимиз талаб этиларди. Шунинг учун ҳар доим очиқ ишлаш ва шаффофликни ўзимизнинг биринчи қоидамиз сифатида белгиладик. Тушунарли шартлар, очиқ шартномалар ва ҳамкорларнинг ишончи муваффақият қоидасига айланди. Орадан бир йил ўтиб, буюртмалар сони ошди ва биз Гуанчжоудаги офисимизни кенгайтирдик, ходимларнинг умумий сони эса 10 кишига етди. Биз Хитойдан махсус техникани етказиб беришни йўлга қўйдик, янги ҳамкорлар билан алоқаларни яхшиладик, савдо-иқтисодий муносабатлардаги фаолиятимизни жадаллаштирдик. 2008 йилда Урумчи шаҳрида янги офисимизни очдик. Жамоамизда хизмат қиладиганлар сони 25 кишига етди, савдо ҳажми эса 2007 йилга нисбатан 2,5 баравар ўсди.

## Жамиятга қўшилган ҳисса...

Икки кишини иш билан таъминлаган тадбиркорни бошимга кўтараман, дейди давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев. Дарҳақиқат, тадбиркорнинг жамиятга қўшган ҳиссаси, аввало, у яратган иш ўринлари билан ўлчанади. Мақсад – юртимизда иш ўрни кўпайсин, жамият, турли соҳалар ривож топсин, аҳоли турмуш даражаси яхшилансин ва ниҳоят одамлар ўз ҳаётидан рози бўлиб яшасин. Ҳикмат Абдурахмоновнинг ҳам мана шундай олий мақсади бор эди, у амалга ошди. Ўзбек — Хитой Савдо Уйи 2009 йилдан эътиборан Ўзбекистон бўйлаб агентлик ва дилерлик тармоғини ташкил қилиш билан иш бошлаган. Қўқон ЎХСУ филиали очилган биринчи шаҳар бўлди. 2010 йилга келиб эса, компаниянинг юртимиз бўйлаб 28 та агентлик офиси ўз фаолиятини йўлга қўйди. Айни пайтда корхонада юзга яқин ходим ишлайди, минглаб шартномалар амалга оширилган, 150 миллион долларлик ускуна, технологиялар Ўзбекистонга кириб келишига ва ўн мингдан зиёд иш ўринлари яратилишига кўмак берилган. Ўтган давр мобайнида бозор талаби ва харидор эҳтиёжини ҳисобга олиб, ўн иккита ташкилот янгидан бунёд бўлди ва компаниялар кенгаши тузилди. Хўш, мазкур ташкилотлар қандай дунёга келди?

– Четдан ускуна олиб келар эканмиз, тадбиркорга мослиги ёрдам зарурлигини кўрдик ва шу аснода “China Leasing Group” лизинг компаниясига эҳтиёж пайдо бўлди, – дейди кенгаш раиси Ҳ.Абдурахмонов. – Хитой ва Ўзбекистон банкларидан маблағларни мобилизация қилиб, тадбиркорнинг муаммосига ечим топиб бера бошладик. Бундан ташқари, ускуналарни кўриш учун чет элларга тадбиркорлар билан бирга борилади. Мана шу жараённинг ўзи илк бор бизнес туризм бўйича “International Business Travel” компанияси тузилишига асос бўлди. Кейинроқ бошқа мамлакатлардан ҳам ускуналар олиб келишга эҳтиёж туғилди ва шунга асосан “Ғарб ишлаб чиқариш технологиялари” компанияси дунёга келди. Астасекин ускуналарни кўриш учун келадиган тадбиркор ишбилармонлар кўпайди ва кўргазма зали зарур бўлди. Шундай қилиб, 2012 йилда мана шу “ТехноПлаза” саноат бизнес марказини қуриб битказдик. Эндиликда ускуналар тўғридан-тўғри шу ердан туриб сотиляпти. Мазкур бино фақат ўзимиз учун анча катта, хоналар бўш эди. Шуни ҳисобга олиб, фаолияти бизга яқин бошқа ташкилотларни ҳам таклиф қилиб, ижара бизнесини йўлга қўйдик. Кейин қарасак, ёш тадбиркорларни жалб қилолмаётган эканмиз, бу масалани ҳам ҳал қилиш имкони пайдо бўлди ва “GroundZero” Коворкинг марказини ташкил этдик. Бу эса ёш тадбиркорлар учун алоҳида давра ҳосил қилиб, ойига ўнлаб тадбирларнинг ўтказилишига сабаб бўлмоқда. Сўнг Бизнес консалтинг компанияси, медицина ускуналарини олиб келиш орқали Бизнес лабораторияси видео кўрсатувларини ташкил қилдик. Қисқаси, айни пайтда бизда фаол тадбиркорлик майдончаси вужудга келди ва шу асосда Бизнес ҳамжамияти ҳам тузилди. Шу тариқа бир бизнес иккинчисининг яратилишига йўл очиб бераётир. Мақсадимиз – тадбиркорларимиз ташқи дунёга чиқиши учун кўприк вазифасини бажаришдан иборат...

## Замон шиддатидан ушлаб қолинажак энг муҳим бойлик...

– Аввало, вақтни қадрлаш ва ундан унумли фойдалана билиш. Пулларимизни, бор бисотимизни авайлашни, қадрлашни уддалаймиз, аммо негадир вақт бемалол деб ўйлаймиз. Бугунги давр аллақачон бунинг аксини исботлаб турибди. Кейингиси, тил ўрганиш. Жаҳон миқёсида тўпланган илмнинг тўқсон фоизи инглиз тилида. Демак, ушбу тилни ўрганиш ортга суриб бўлмайдиган ўта муҳим вазифамиз. Халқаро тил бўлмиш инглиз тилини она тили даражасида ўрганишимиз керак. Бошқа тилларни ҳам ўрганиб қўйиш фойдадан холи эмас, албатта. Яна бир муҳим гап: тўртта давлат – АҚШ, Буюк Британия, Хитой ва Сингапурда яшаб, 45 та мамлакатда сафарда бўлган инсон сифатида дунё тажрибаларини ўрганиш зарур, деб ўйлайман. Ҳар бир халқнинг кўплаб вакиллари чет элларда яшайди. Биргина Хитой диаспораси жаҳоннинг кўплаб минтақаларида бор ва мамлакат улар билан доимий алоқада. Икки томон учун ҳам манфаатли ҳамкорлик натижасида улар Хитой иқтисоди ривожига катта ҳисса қўшиб келяпти. Давлатимиз раҳбари эндиликда ана шу тажрибани қўллашга чақирмоқда, шу мақсадда Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси тузилди. Бундай ташаббуслардан умидимиз катта...

*Бир қатор бизнесларга асос солган, глобал миқёсда иш юритадиган тадбиркор, Халқаро бизнес ва технологиялар Ассоциацияси раҳбари Ҳикмат Абдурахмоновнинг навбат кутиб турган режалари ҳали бисёр. У истиқболли ғоялар яратувчиси, шу серқуёш она замин ва унинг бағрикенг халқи унга илҳом беражак...*

**Холида ФАЙЗИЕВА**

## БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ „ФАРҒОНА ТОНГ ОТГУНЧА“ ҚЎШИҒИНИ ШУ ЕРДА ЭШИТИШ ОРЗУСИДА ЭДИ

*Бошланиши 1-бетда*

Қайси касб эгаси бўлмасин, у хоҳ ўқитувчи, хоҳ тадбиркор ё фермер, хоҳ оддий нуроний, барча билан самимий мулоқотда бўларди, кўнглига йўл топа оларди, деб эслайди.

– Биринчи Президентимизнинг олижаноб фазилатлари барчамиз учун ибрат мактаби бўлиб қолди, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Ботиржон Темиров. – Айниқса, Фарғона шаҳридаги мислсиз бунёдкорлик ишлари бевосита у кишининг ташаббуси билан амалга оширилди. Шаҳримиздаги санъат саройи ана шулардан бири. У киши бу масканнинг қурилишига бош-қош бўлди. Биринчи Президентимиз вилоят фаоллари билан учрашувида “мазкур санъат саройи битса, сизлар билан ўтириб, “Фарғона тонг отгунча”ни бир эшитаман”, деб ният қилган эдилар. Бу сарой барчамиз учун азиз маскан сифатида у кишини доимо эслатиб туради.

Фарғона азалдан маданият ва санъат ўчоғи сифатида ном қозонган. Мазкур санъат маскани ҳам бу анъаналарни янгича мазмунда давом эттиришга хизмат қилмоқда. Бугун Фарғонада ўтказиладиган кўплаб тадбирлар ана шу масканда ташкил этилмоқда. Театр жамоаларининг спектакллари, санъаткорларнинг байрам дастурлари намойиш қилинмоқда. Бу санъат масканига келган киши ўзига катта маънавий руҳ, малад олиб қайтади.

– Мамлакатимизда маданият ва санъатни янада ривожлантириш, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадсоли Юсупов. – Мустақиллигимиз меъмори Ислом Каримов томонидан бу борада бошлаб берилган эзгу ташаббуслар бугун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида изчил давом эттирилмоқда. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона филиали ташкил этилгани, Қўқон шаҳрида “Ижодкорлар уйи” фойдаланишга топширилгани, э-ҳе, буларни санаб адоғига етиш қийин. Вилоят ўзбек давлат мусиқали драма театри жамоаси ҳам мазкур санъат саройида томошабинлар учун янги саҳна асарларини намойиш этиб келмоқда.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

## ЧОРШАНБА — ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ КУНИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ёнғин хавфсизлиги соҳасида янги босқични бошлаб берди. Унга кўра, ҳар чоршанба — Ёнғинлар профилактикаси куни деб белгиланди. Шундан келиб чиққан ҳолда турли масканларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини таъминлашга бағишланган тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда.**

# Эътиборсизлик оқибати

Маҳалла фуқаролар йиғинлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, таълим ва тиббиёт муассасалари, бозорлар ва савдо марказлари, давлат ташкилотларида ташкил этилган мазкур тадбирларда иштирокчиларга ёнғин хавфсизлиги қоидалари юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда, юртдошларимизга тегишли йўл-йўриқлар берилаяпти. Ёнғин ёки бошқа кутилмаган, фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишни ўргатиш мақсадида амалий-тактик машғулотлар ўтказилмоқда. Текширувлар натижасида ёнғин хавфсизлигига оид аниқланган камчиликлар юзасидан корхона ва ташкилотлар раҳбарларига ёзма тавсияномалар бериб борилмоқда.

Афсуски, шунча саъй-ҳаракатларга қарамай, юртдошларимиз, хусусан, айрим тадбиркорлар томонидан, шунингдек, баъзи ташкилотларда ҳануз ёнғинларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масалаларига жиддий ёндашилмаяпти.

Корхона раҳбарлари ўз қўл остидаги ишчи-ходимларига ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича керакли кўрсатмалар бериш ўрнига, ўзлари бундай камчиликларга эътиборсизлик ва совуққонлик билан қарашаётгани ачинарлидир. Оқибатда ўша корхоналар ҳудудида ёнғин содир бўлмоқда.

Масалан, ўтган йилнинг декабрь ойида Бектемир туманида юз берган кўнгилсиз воқеани олайлик. Туманнинг Ҳусайн Бойқаро кўчаси 118-уйда жойлашаган “Quyoshcha Nuri” масъулияти чекланган жамиятида ёнғин содир бўлгани ҳақида хабар келиб тушгач, воқеа жойига зудлик билан етиб борган ўт ўчирувчилар жамиятга қарашли цех омборхонасида тайёр маҳсулотлар яроқсиз ҳолга келганининг устидан чиқишди. Олов-ку бартараф этилди, лекин бу корхонанинг жиддий моддий зарар кўришига тўсқинлик қилолмади. Содир бўлган ёнғин бўйича суриштирув ишлари олиб борилганда корхона раҳбарияти ўз вақтида ёнғинга қарши чоралар кўрмагани, хавфсизлик қоидаларига масъулиятсиз ёндашгани маълум бўлди.

Эътиборсизлик, лоқайдлик қандай оқибатга олиб келишини барчамиз ёдимизда тутайлик, азизлар.

**Шавкат ИБРАГИМОВ,**
**Бектемир тумани ЁХБ инспектори**

**МЕНДА ФИКР БОР**

Ҳар жума куни босмадан чиқадиган "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг янги сонини қўлимга ушламасам, гўё бир нарсамни йўқотиб қўйгандек, нимагадир эришолмагандек бўламан. Ҳар ҳафта бу газетанинг янги сонини орзиқиб кутаман. Умуман, газета — хоҳ у "O'zbekiston adabiyoti va san'ati", хоҳ "Hurriyat", "Toshkent haqiqati" ёки "Kitob dunyosi" бўлсин, янги сонини шу куннинг ўзида ўқимасам, кўнглим тўлмайди. Нимаси биландир мени газета мутолааси ўзига оҳанрабодек тортаверади.

# Маърифат эҳтиёжи

Бу галги обуна мавсуми қандай ўтгани барчамизга маълум. Бу ҳақда ҳар ким ўз фикрини билдиришга ҳақли. Шу маънода "Kun.uz" сайтида журналист Шуҳрат Шокиржоновнинг обуна ҳақидаги "Обуна мавсуми. Мажбурлашлар авж олаётган бу соҳани ҳам тартибга солиш фурсати етиб келмадими?" сарлавҳали мақоласида билдирган мулоҳазалари ҳам эътиборга молик, албатта.

"Kun.uz" таҳририятининг электрон почтаси турли арздоду шикоятлар битилган хатларга тўлиб кетди. Уларнинг аксарияти ўқитувчилар, ота-оналар ва талабалардан келиб тушган...", дея бошланади мазкур мақола.

Дарҳақиқат, газета ва журналларга обуна бўлиш, бир йил мобайнида узлуксиз газета ўқиш, демакдир. Аммо мақола муаллифи обунани "фоизсиз ишонч кредити", деб таърифлабди. Бу қанчалик ҳақиқатга яқин, газетхоннинг ўзига ҳавола. Аммо менимча, обуна фоизсиз кредит эмас, балки маънавият, маърифат, саводхонлик учун қўйиладиган сармоядир.

Бир ўйлаб кўринг-а, газета-журналлар умуман босилмаса-да, янгиликлардан фақат телевидение, радио ва интернет орқали хабардор бўлсак. Телевидение ва радио бамисоли милтиқдан отилган ўқ. Тутсанг, тутдинг, бўлмаса... Бугунги ахборот технологиялари асрида интернет муаммо эмас, бироқ... Хамон китоблар нашр этилаётган экан, босма нашрларга ҳам эҳтиёж бор.

Муаллиф ўз мақоласида босма нашрлар — газеталарни бешта тоифага ажратади. Биринчиси — давлат нашрлари, иккинчиси — партиялар нашрлари, учинчиси — тармоқ газета ва журналлари, тўртинчиси — бозорда ўз ўқувчисини топган хусусий нашрлар ва ниҳоят, бешинчиси — бозорда ўз ўқувчисини топмаган, фақат мажбурий обуна эвазига кун кўраётган хусусий нашрлар.

Мақолада давлат нашрларида эълон қилинаётган янгилик ва хабарларни шу куннинг ўзида асримизнинг буюк кашфиёти ҳисобланмиш интернет орқали билиб олиш мумкинлиги таъкидланади. Ҳолбуки, шундай экан, бизга мазкур нашрларнинг нима кераги бор?! Битта нарсани унутмаслик керак: одамзод қўли билан ушлаб, кўзи билан кўриб ҳис қилган нарсасини эъзозлайди, қадрига етади. Агарда почтачи амакию холаларимиз газеталарни қучоғида кунлаб сақламасдан, вақтида етказишса, олам гулистон. Ахборот ўз вақтида етиб боради.

**Муаллимларимиз фақат хусусий газеталарни ўқимасдан, журналларни ҳужжатига қўшиб ҳисоботга топширмасдан, ўқувчиларнинг бадиий, маънавий савиясини юксалтирувчи нашрларни, ақалли, варақлашганида; ота-оналаримиз фарзандларига энг сўнгги русумдаги смартфонларга қўшиб, ҳар ой биттадан яхши китоб олиб бериб туришганида, эҳтимол, эстрада санъатимиз бугунгидек шармандали ҳолга келмасди, эҳтимол.**

Шу ўринда бир фикрни айтмасам бўлмайди. Газета, аввало бу давлат сиёсатини оммага етказиб берувчи восита. Уни етказиб берадиган почта хизмати ходими ўша сиёсатни ўз вақтида амалга оширувчи масъул шахс.

Энди ўйлаб кўринг, почта ходими ўша маъсулиятни сезмаса, ҳис этмаса нима бўлади? Афсуски, соҳа мутасаддиларининг ўзи ҳам бу масъулиятни ҳалигача англаб етгани йўқ. ОАВларни манзилига етказиб берадиган поезд, самолёт, от арава, эшак аравалар Иккинчи жаҳон уриши даврида ҳам бир зум тўхтаган эмас. Яна бир бор афсуски, шундай дорилamон замонда бу ишга панжа орасидан қаралмоқда.

Энди мавзуга қайтсак, партия ва тармоқ газеталари ҳақида ҳам шу фикр илгари сурилади. Бироқ "бозорда ўз ўқувчисини топган хусусий нашрлар" азиз экан. Чунки уларнинг обунаси мажбурий эмасмиш. Обуна рекламаси телевидение, радиода олиб бориларкан... Хўш, ўзимиздан мисол: биз "Mash'al"га обуна бўлинглар, деб, "Yoshlar" каналида реклама берамизми? Ёки "Avtoradio"да эшиттириш эфирга узатамизми? "Mash'al" ижтимоий-сиёсий газетаси — Ўрта Чирчиқ туманининг нашри. Муассис ҳам туман ҳокимлиги. Ўрта Чирчиқнинг радиоси, телевидениеси бўлмаса. "Ўзбекистон 24"да эълон бериш мақсадга мувофиқ эмас-ку! Умуман, бу мантиққа тўғри келмайди.

Ва ёки бир дақиқалик рекламанинг нархи кобранинг захридан ҳам кучли, эшитишингиз биланоқ юмалаб қоласиз.

Ўша бозори чаққон нашрларга келсак, улар айримлар баҳо бераётганидек, жуда ҳам маънавиятга хизмат қилиб қўяётгани йўқ. Улар журъатлироқ, муаммоларни дадилроқ кўтариб чиқишяпти, дейсизми? Кечирасиз, қайси муаммони шу тарика олиб чиқишибди? Тўй-маъракаларни ихчамлаштириш масаласиними? Давлат раҳбари "Тўйларни ихчамлаштиринг...", демагунича, таниқли санъаткорларнинг никоҳ базмларини, керак бўлса, реклама қилган шу газеталар эмасми?

Бугун китобхонлик маданиятига, китоб мутолаасига ҳар қачонгидан ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Сўз исботи билан деганларидек, Президентимизнинг фикри — амалда. "Ёш китобхон" республика танлови ғолибига "Спарк" автомобили Президент совғаси сифатида топширилади. Ёшларимиз ўзининг истаги билан, керак бўлса, ота-оналарининг, яқинларининг тазйиқу мажбурлаши билан бўлса ҳам, китоб ўқишга ошиқаяпти.

Бу бежиз эмас, агар бутун мамлакат, бутун миллат ҳақиқий китобхон бўлса, содир бўлаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликларга ҳам, "оммавий маданият"у диний экстремизмга ҳам, яширишнинг кераги йўқ —жамиятимизнинг бир бўлагига айланиб қолган коррупцияга ҳам чек қўйилади. Ўз-ўзидан бундай иллатлар одамларнинг ғашига тега бошлайди. Ким қандай фикрда билмадиму, шахсан мен газетанинг бир саҳифасида босилган ҳикояни ўқимаган одамнинг китоб ўқишига ишонмайман.

Бундан ташқари, мажбурий обуна содир бўлаётган экан, уят бўлса ҳам айтиш керак, адабиёт ўқитувчилари адабий-бадиий нашрларга умуман обуна бўлмайди. Ўз қулоғим билан эшитганман, бир ўқитувчининг: "Hurriyat" газетами, журналми? Нима ўзи у?" деганини. Бу гапга кулиш керакми, йиғлашми?

Тунов куни бир мактабнинг кутубхоначиси билан гаплашиб қолдим. Жонини Жабборга бериб, босма нашрларга обуна бўлаяпти. Обунани ташкиллаштираётган опа "Яна озроқ пул қолди. Нимага обуна бўласиз?" дея сўраганида, "Til va adabiyot ta'limi"ни ёзақолинг", деди. "O'zbekiston adabiyoti va san'ati"ни маслаҳат қилсам, нима эмиш, унда сценарий босилмасмиш!..

Бошқа нашрларда сценарийлар, рефератлар эълон қилинаркан. "Папка"сига тикса, ҳарна фойда эмиш...

Шоирнинг сатрлари беихтиёр ёдимга келди: "Алҳазар, алҳазар, минг бор алҳазар..."

Агар муаллимларимиз фақат хусусий газеталарни ўқимасдан, журналларни ҳужжатига қўшиб ҳисоботга топширмасдан, ўқувчиларнинг бадиий, маънавий савиясини юксалтирувчи нашрларни, ақалли, варақлашганида; ота-оналаримиз фарзандларига энг сўнгги русумдаги смартфонларга қўшиб, ҳар ой биттадан яхши китоб олиб бериб туришганида, эҳтимол, эстрада санъатимиз бугунгидек шармандали ҳолга келмасди, эҳтимол, ўспиринлар жиноятчилиги камайган бўларди, ёшларимиз бу қадар одобсиз, бетгачопар, тантиқ бўлишмасди.

Бугуги кунга келиб, қайсидир фильмлар ахборот технологиялари асрининг талабига тўғри келмас. Уни ўзгартириб, сифатини яхшилаб эфирга узатса бўлади. Бироқ, Озод Шарафиддинов ёзган мақолаларни ҳеч қандай тузатишсиз, бемалол эълон қила оласиз. Даврий матбуотда ана шундай куч, имконият бор.

*Газетхонлик, аввало, инсоннинг ҳақиқий шахс сифатида шаклланишида улкан восита. Бу жараён инсоннинг ахборотга бўлган "чанқоғини қондириш" баробарида, унинг дунёқарашини кенгайтиради, маънавиятини бойитади. Юқорида тилга олинганидек, обуна, газета мутолааси фоизсиз ишонч кредити эмас, балки, жаҳолатга қарши дош бера оладиган ягона қурол — маърифатнинг эҳтиёжидир.*

**Отабек ИСРОИЛОВ**

**ГАЗЕТХОН ЁЗАДИКИ...**

Статистик маълумотларга кўра дунё бўйича 3,88 миллиард, Ўзбекистон бўйича эса 20 миллион нафар киши интернетдан фойдаланади. Ўзбекистондан бир ойда "Facebook" тармоғига 800 минг киши мурожаат қилар экан. Ундан тезкор ахборот воситаси сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Интернетдан фойдаланишнинг минглаб турлари мавжуд. Аммо оқилона фойдаланиш маданиятига ҳамма ҳам риоя қилавермайди.

# Интернетни „Чиқиндихона"га айлантирмайлик...

Интернетдан эзгу мақсад учун фойдаланиш кўп мушкулотларни осон ҳал этишга ёрдам беради. Афсуски, ундан ўзининг манфур мақсадлари учун ҳам фойдаланиб келаётганлар учраб туради.

Ачинарлиси, "Facebook", "Instagram" ва айрим шахсий блогларда фойдаланувчилар ўзининг саҳифаларини очиб, турли иғво ва бўҳтонлар тарқатувчилар ҳам оз эмас.

Бемаза таомни еган киши кўнгли беҳузур бўлгани каби бемаза материалларни ўқиган кишининг ҳам юзи тиришиб, дили хиралашади. Ҳадисларда ҳам бировни "иғво" қилиш ва турли "бўҳтонлар" тарқатиш катта гуноҳ эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Маданиятли одам бундай нобакор ишларга қўл урмайди. Ўзгани ғийбат қилиш орқали руҳиятига, саломатлигига таъсир ўтказиш фақаттина аламзада, эътибордан четда қолишдан қўрқаётган шахсларда учрайди. "Тошбақа ва чаён" ҳикоясида ҳам саховатпўй тошбақани заҳарли ниш билан сийлаган чаён ўз "характерини" кўрсатган.

Кенг макон бўлмиш интернетга бировларни муҳокама қилиш ўрнига асрларга татигулик катта санъат асарлари яратилса, фойда келтирадиган ишлар қилинса, нур устига нур бўлур эди. Адабиётимиз, маънавиятимиз, санъатимиз янада дурдона асарлар билан бойиб, келажак авлод ундан баҳра олар эди.

Мисол тариқасида глобал тармоқда яратган саҳифангдан кузатувчи маҳлиё бўлиб эстетик завқ олса, маънавий озиқланса... Креатив фикрлашга ундаса. Янги-янги орзу-умидлар қамраб олса. Демак, сен камолотинг орқали чин инсонийлик бурчингни адо этяпсан. Гапнинг индаллосини айтганда, интернетдан замонавий ахборот оламини ўрганиш, инновацион ғояларни кузатиб бориш, интеллектуал салоҳиятини бойитиб бориш ва яқин дўстлар топиш каби фойдали ишларни амалга ошириш мумкин. Бунга ҳамма имкониятлар етарли. Ҳаттоки, мобил телефонларда ҳам қулайликлар яратилган.

Кўпчилик сайтлар ва блогларга эътибор қаратсангиз, қайсидир хонанда қўшиғига фалон давлатда клип олганини, қандай либос кийганию, унинг нарх-навоси, қайсидир актёрнинг энг қиммат русумли машинаси, ҳашаматли уйи борлиги ҳақида бонг уради. Бу ўзини реклама қилишми? Яна қайсидир хонанда биринчи турмуши билан ажрашиб, иккинчи турмушини қураётгани ҳақида аюҳаннос солгани кишини ҳайратга солади. Ярим ялангоч ҳолда кузатувчилар диққатини ўзига тортиш учун аҳмақона кўринишлар билан фотоколлажлар яратишади. Мантиқан олганда, бу каби майда-чуйда, оилавий муаммоларни дастурхон қилишнинг кимга қизиғи бор? Танлаш ва ахборот қабул қилиш маданиятининг қашшоқлашишига ушбу бачканаликлар сабабчи бўлмаяптимикан? Уларнинг оммавий маданият уруғларини сочмаслигига ким кафолат беради?

Пурҳикмат иборалар да "Яхшилик қилиш қўлингдан келмайдими, ёмонлик ҳам қилма" дейилган. Гуллар ёқимли ифорларини таратгани каби, гўзал хулқ ва маданиятли инсонлар эзгулик таратишга шошади. Маърифат, маънавият таратади... Уни тинглаган мухлисларга яхши кайфият бахш этади. Интернетни "чиқиндихона"га айлантиришдан кўра, инновацион фикрлаш вақти етмадимикан?

**Мансур ЮНУС, тадқиқотчи**

# 100 минг китоб ёхуд биз кутаётган хазина

**Барча соҳада бўлгани каби китоб савдосида ҳам катта-кичик "тадбиркорлар" пайдо бўлди. Бозорнинг талаби харидоргир китоб бўлса, тадбиркорни ташвишга солаётган нарса бир жойда туриб қолиши мумкин бўлган сармоя... Бундай шароитда у билан ҳисоблашиш, муроса қилиш давр тақозоси. Қандай бўлса-да, бозоргир, "кўча" китобларини чиқариб, қўлингдаги сармояни тезда айлантир-да, пул топ. Бундай ёндашув эса илм-фан ва маънавият аҳлини ташвишга солаётгани ҳам бор гап. Инсониятнинг юксак илмий-маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб нашр этилаётган китоблар эса ҳали етарли даражада эмаслиги ҳам сир эмас. Буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни уларнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича бир қанча чоратадбирлар амалга оширилган бўлса-да, ҳали бу соҳада қилиниши зарур бўлган ишлар талайгина.**



Бу йўналишлардаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда Президентимизнинг бир қатор қарор ва фармонлари эълон қилинди. Муддао: халқимизнинг, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни кўп минг нусхада юксак сифат билан чоп этиш, жойларга вақтида ва мақбул нархларда етказиш, мумтоз, замонавий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини чоп этиш, шу баробарида мазмунан саёз, ахлоқ меъёрлари, миллий маънавият ва қадриятларимизга мос келмайдиган, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган адабиётларни тайёрлаш, босиб чиқариш ва тарқатишнинг олдини олиш, лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидаги илмий-техник, бадиий адабиётларни янада кўпайтиришдан иборат.

Ҳақиқатан ҳам, бадиий адабиётлар билан бир қаторда илмий адабиётлар ҳам ёшларимиз ўрганиб улғайган алифбода етарлича бўлиши лозим. Зарур илмий, фундаментал асарлар уларнинг дунёқарашини бойитиш билан бирга, ёшларимизни тизимли, мантиқий ва изчил фикрлашга, факт ва далиллар асосида гапиришга ўргатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам илм-фан ва ноширлик соҳасидаги оғриқли нуқта бўлган: илмий-техник асарларнинг камлиги, хусусан, айни пайтда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланаётгани, афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилиб, олим ва ўқувчиларимиз қўлига етиб бормаётганини таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, ушбу ноёб асарларда бугунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкинлиги айтилди.

Буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг жаҳон илм-фани ва тамаддуни ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини тарғиб этиш, шу асосда юртдошларимиз, аввало ёш авлодимизни халқимизнинг буюк маънавий меросига ҳурмат, она юртимизга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган ишларнинг натижадорлигини тубдан ошириш олимлар ва ноширлар зиммасига катта масъулият юклайди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, шунингдек, қадимий ёзма манбалар фондига эга бўлган муассасаларда сақланаётган нодир асарлар қўлёзмасини ўрганиб нашр этириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Фондларимизда сақланаётган араб ёзувидаги турли мавзуларга оид юздан зиёд ёзма ёдгорликлар ва эпиграфика намуналари ўз ўқувчиларини кутиб турибди. Жумладан, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг ўрта аср илмлари таснифига бағишланган "Мафотиҳ алулум" ("Илмлар калити") энциклопедик асари, Абу Исо Термизийнинг Пайғамбар саҳобаларининг таржимаи ҳолларини ёритишга бағишланган "Тасмийа асҳоб ар-Расул" ("Пайғамбар саҳобаларининг биографияси") ва Ҳаким ат-Термизийнинг тасаввуф тарихига оид "Хатм ал-авлийа" ("Валийлар муҳри") асарлари, Абу Райҳон Берунийнинг доришуносликка оид "Китоб ас-Сайдана фи-т-тибб" ("Табобатда доришунослик") асари, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг Қуръон тафсирига оид "Мавоҳиби Алиййа" ("Олиймақом туҳфалар") ва Бурҳониддин ал-Марғилонийнинг "Мухтарат ан-навозил" ("Нозил бўлганлардан танлаб олинганлари"), Фахруддин Қозихоннинг "Фатаво-и Қозихон" ("Қозихон фатволари"), Муҳаммад Амин Бухорийнинг "Муҳит ат-таворих", Абдуллажон Насимийнинг "Мажма ал-ҳаводис" ("Ҳодисалар мажмуаси"), Жамшид Кошийнинг "Зиж-и Хоқоний", Абу Ҳавс ан-Насафийнинг "Машориъ аш-шаройиъ" ("Диний ҳукмларнинг намуналари") каби асарлари ҳали юз очмаган энг ноёб хазиналаримиздир. Уларни асл ҳолида ҳамда ўзбек ва хорижий тилларда илмий изоҳлар, табдил ва таржималар билан нашр этишда илмий тадқиқотчилар гуруҳини нашриётлар қошида шакллантириш ва нашриётларнинг Ўзбекистон Республикаси Фан ва технология агентлиги томонидан ўтказиладиган танловларда иштирокини таъминлаш, натижалар бўйича ажратилган грантлар асосида китобни тайёрлаб, нашр этишини йўлга қўйиш китобларнинг бежирим ва сифатли бўлиб чиқишига хизмат қилади.

*Бундан ташқари Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон Ислом академияси, Ҳаким Термизий халқаро илмий тадқиқот марказидаги етук олим, мутахассис ва ёш тадқиқотчилар ҳам жалб этган ҳолда ушбу ишлар амалга оширилса, айни муддао бўлур эди. Зеро, буюк аллома ва мутафаккирларимиз асарларини дунё ҳамжамияти ўртасида кенг тарғиб этиш, замонавий илм-фан, маънавият ва амалиёт ривожида ундан самарали фойдаланиш ва келгуси авлодларга етказишдек хайрли ишлар мамлакатимиз тараққиётида муҳим омил саналади.*

**Ҳабиб АБДИЕВ, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги етакчи мутахассиси**

ШАРҲ

# Амнистия ва АФВнинг Бир-биридан 10 та фарқи

"Қонунни бузган, бироқ ўз қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини англаган ва тузалиш йўлига ўтганлигини қатъиятлик билан намоён қилган шахсларга жамият ва ўз оиласи даврасига қайтиш имконининг берилиши, ўзбек халқининг кечиримлилик, раҳмдиллик ва бағрикенглик каби азалий қадриятларининг рўёбга чиқарилиши ҳисобланади".

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган маҳкумларни афв этиш ҳақидаги материалларни тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ф-5071-сон фармойишида айнан мана шу жиҳат алоҳида таъкидланган.

Мазкур фармойиш қабул қилингандан сўнг, 2 ойдан кўпроқ вақт давомида махсус ишчи гуруҳлар қизғин фаолият олиб боришди. Жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган маҳкумлар шахси ва уларга оид материаллар жойларда ишчи гуруҳлар томонидан синчковлик билан, шу жумладан, якка тартибда суҳбатлар ўтказиш йўли билан ўрганилди. Ўрганиш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллигини нишонлаш арафасида Президентимиз томонидан 2 минг 700 нафар маҳкумни афв этиш тўғрисидаги Фармон имзоланди.

Мазкур Фармон кўлами жиҳатидан мустақил Ўзбекистон тарихида илк марта қабул қилинганини эътироф этиш жоиз. Бунгача амнистия тўғрисида ҳужжатлар қабул қилинганди, аммо бундай катта ҳажмдаги афв эса ҳали эълон қилинмаганди.

Балки шунинг учундир, халқ орасида кўпчилик ҳали-ҳануз афв тўғрисидаги ҳужжатни амнистия билан фарқини англашда бироз тушунмовчиликларга дуч келишмоқда. Чунки аксарият инсонлар амнистия ва афв битта нарса, шунчаки амнистиянинг ўзбекчага таржимаси афв бўлади, деб ўйлашади. Бир қараганда, улар кўп ҳам нотўғри ўйлашмаяпти, сабаби иккаласининг ҳам асосий мақсади битта — меҳр-шафқат ва инсонпарварлик тамойилларига асосланиб жиноят содир этган шахсни кечириш ва уни жазодан бутунлай ёки қисман озод қилишдир.

Бироқ шундай бўлса-да, бу икки тушунча бир-биридан фарқланади. Қуйида уларнинг асосий 10 та фарқи ҳақида фикр юритамиз.

### 1. ҚЎЛЛАНАДИГАН ШАХСЛАР ТОИФАСИ БЎЙИЧА

Афв бу — муайян шахслар учун, уларнинг шахсини тавсифловчи маълумотларни (ёши, соғлигининг ҳолати, оилавий аҳволи) инобатга олиб жазодан озод қилиш ҳисобланади.

Амнистия эса аниқ шахсларга эмас, умумий тоифаларга эълон қилинади. Масалан, 18 ёшга тўлмаган шахслар, аёллар ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этганларга амнистия акти қўлланилди, дейлик. Бунда амнистияга неча киши тушиши, кимлар тушиши олдиндан аниқ бўлмайди. Афв ҳужжатида эса кимларга қўлланилаётганлиги номма-ном ёзилади.

### 2. ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ШАХСЛАР ҲОЛАТИ БЎЙИЧА

Афв фақат суд ҳукми билан жазо тайинланган маҳкумларга эълон қилинади. Амнистия эса жиноят процессининг исталган босқичида — дастлабки тергов, суриштирув, терговга қадар текширув ва ҳаттоки жиноят ишини қўзғатишгача бўлган босқичда ҳам қўлланилиши мумкин.

Бошқача айтганда амнистиянинг афв этишдан фарқли хусусияти шундаки, амнистия кенг мазмунга эга бўлиб, шахсни жиноий жавобгарликдан ҳам, жиноий жазодан ҳам озод қилади.

### 3. ЭЪЛОН ҚИЛУВЧИ СУБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан, афв фақат Президент томонидан эълон қилинади.

Амнистия акти эса Президент тақдимномасига биноан Олий Мажлисининг Сенати томонидан эълон қилинади.

1991 йилдан токи 2004 йилгача бўлган даврда амнистия актлари Президент Фармони асосида қабул қилинган. 2005 йилдан юртимизда икки палатали Парламент ташкил этилгач, мазкур ваколат айнан Сенатнинг муглоқ ваколатларидан бири сифатида Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган эди.

### 4. ҚЎЛЛАШ МАСАЛАСИНИ БАЖАРУВЧИ ШАХСЛАР БЎЙИЧА

Амнистия актларини қўллаш масаласи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасалари ва судлар томонидан кўриб чиқилади. 2008 йилдан бошлаб, амнистия актини қўллашга оид якуний қарорни фақат судлар чиқариши белгилаб қўйилган.

Афвни қўллаш масаласини эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги афв этиш масалалари бўйича махсус комиссия ҳал қилади.

Машҳур "Шоушенгдан қочиш" фильмини эслайсизми? Ўша кинода ҳам маҳбуслар билан қамоқхонада айнан шу каби комиссиялар суҳбат қилишар эди.

### 5. ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ БЎЙИЧА

Амнистия акти чиққандан кейин, уни кимларга қўллаш масаласини ҳал қилиш узоққа чўзилади ва кўплаб ташкилий жараённи ўз ичига олади. Масалан, амнистия актида эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган маҳкумлар озодликка чиқарилсин, деган қоида мавжуд бўлса, унда ижро колониялари маъмурияти ана шу тоифага тушадиган маҳбусларнинг аниқ сонини аниқлайди, рўйхатини шакллантиради ва уларга амнистия актини қўллашни сўраб судларга тақдимнома киритади. Шу каби ишларни терговчи, прокурор ва судлар ҳам амалга ошириши керак. Гарчи амнистия акти юридик моҳиятига кўра, номуайян шахслар доирасига қаратилган ҳужжат бўлса-да, бироқ уни қўллаш тўғрисидаги қарор судлар томонидан ҳар бир шахсга нисбатан алоҳида қабул қилинади.

Афвни қўллаш эса кўп вақт ва тартибни талаб қилмайди. У қабул қилиниши билан дарҳол ижро этилади, бунинг учун яна алоҳида босқичлардан ўтиш шарт эмас. Масалан, А. исмли шахс жазодан озод этилсин деган Президент Фармони чиқса, у ўша заҳоти ижро этилади ҳамда А. исмли шахс озодликка чиқарилади.

### 6. ШАХСНИНГ ХОҲИШИ БЎЙИЧА

Афвни қўллаш учун одатда жиноят содир этган шахсларнинг илтимосномаси асос бўлади. Амнистия актини қўллашда эса бундай илтимоснома талаб этилмайди. Терговчи, прокурор, жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ва судлар амнистия актига тушадиган барча шахслар рўйхатини шакллантириб, уларга амнистия қўллаш масаласини ҳал этиши лозим. Бироқ қонунчиликда истисно тарзда жиноий жавобгарликка тортилган шахслар ўзига амнистия акти қўлланишини хоҳламаса, уларга амнистия актини қўллаш тақиқланади.

Қўриб турганингиздек, шахслар ўзининг афв этилишини сўраб илтимоснома беради, амнистия акти эса шахсларнинг хоҳиш-истагига қарамасдан ҳаммага умумий қўлланади.

### 7. ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ БЎЙИЧА

Амнистия актининг ҳуқуқий оқибатлари кенгроқ бўлади. Яъни, амнистия акти қўлланилиши натижасида қуйидаги ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши мумкин:

*1. Шахс жиноий жавобгарликдан озод этилиши.*

*2. Маҳкум асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан озод этилиши.*

*3. Маҳкумга тайинланган асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазонинг қисқартирилиши (камайтирилиши).*

*4. Маҳкум жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод этилиши.*

*5. Маҳкумга тайинланган жазонинг ўталмаган қисми енгилроғи билан алмаштирилиши.*

*6. Жиноят содир этган шахсдан судланганлик муддатидан илгари олиб ташланиши.*

*Афв эса фақат маҳкумларга қўлланишини ҳисобга олганда, ҳуқуқий оқибатлари камроқ бўлади. Булар:*

*1. Асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан тўлиқ ёки қисман озод этилади.*

*2. Жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод этилади.*

*3. Умрбод озодликдан маҳрум этиш ёки бошқа ўталмаган жазо нисбатан енгилроқ жазо билан алмаштирилади.*

*4. Судланганлик олиб ташланади.*

### 8. ШАХСЛАРНИНГ ТАЪСИРИ БЎЙИЧА

Амнистия акти эълон қилинишига жиноят содир этган шахслар ҳеч қандай кўринишда таъсир ўтказа олмайди. Бу ҳукуматнинг мутлақ ҳуқуқи бўлиб, вазият тақозо этганда бир йил ичида бир неча маротаба эълон қилиниши ёки эълон қилинмаслиги ҳам мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасида истисно тарзида 1992 ҳамда 2003 йилларда бир йилда икки марта амнистия акти эълон қилинган. Қолган барча йилларда бир мартадан эълон қилинган.

Афвни қўллаш учун эса одатда жиноят содир этган шахслар ҳукумат қарорига бевосита таъсир ўтказади. Яъни афвни қўллаш ёки қўлламаслик масаласи уларнинг ташаббуси билан ҳам бевосита боғлиқ бўлади.

### 9. ШАХСИЙ ОМИЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ БЎЙИЧА

Амнистия ва афв ўртасида яна бир кичикроқ фарқ бу шахсий омилларнинг таъсирида кўринади. Яъни афвни қўллашда маҳкумнинг қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлигига, маҳкумнинг шахсини тавсифловчи маълумотларга, унинг ёши, соғлигининг ҳолати, оилавий аҳволига (қарамоғида вояга етмаган фарзандлар, меҳнатга қобилиятсиз эр (хотин) ва (ёки) кекса ёшдаги ота-онаси мавжудлигига) албатта эътибор қаратилади. Бу омилларни ҳисобга олмасдан афв қўлланиши деярли имконсиз.

Амнистия актида эса ҳар доим ҳам бундай омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмайди. Масалан, амнистияда 60 ёшдан ошган кексалар жазодан озод этилиши ҳақида қоида бўлса, бу барча кексаларга бирдек қўлланади. Улар орасида қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлмагани бўлса ҳам, амнистия акти асосида озодликка чиқарилади. Ёки бундай ҳолда уларнинг оилавий аҳволини ўрганишга ҳам эҳтиёж йўқ.

Фақат истисно тариқасида айрим ҳолларда шахсларнинг соғлиғи (масалан, сил касалига чалинганлар) ёки уларнинг қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлиги (тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки) амнистия қўллашда эътиборга олиниши ҳам мумкин.

### 10. НОРМАТИВ ҲУЖЖАТ МАҚОМИ БЎЙИЧА

Охирги фарқ амалий эмас, балки илмий фарқдир.

Ҳуқуқшунослик қоидаларига кўра, амнистия норматив акт ҳисобланади, афв эса бундай эмас. Чунки амнистия ҳуқуқ нормасининг туғилишига сабаб бўлади, афв эса ҳуқуқни қўллаш характеридаги акт, холос. Шунингдек, афв аниқ шахсга йўналтирилганлиги сабабли янги қоида яратмайди, ўзга шахсларга таъсир қилмайди, қонунчиликдаги тартибларга ўзгариш киритмайди. Шунга кўра афв норматив акт сифатида баҳоланмайди.

**Хушнудбек ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

**Амнистия ва афвнинг асосий фарқлари бўйича таққослама жадвал**

| Фарқланувчи омиллар | Амнистия | Афв |
|---|---|---|
| Ким қабул қилади? | Олий Мажлис Сенати (Президент тақдимига биноан) | Президент |
| Кимларни қамраб олади? | Маҳбус, маҳкум, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жазони ўтаб бўлган шахслар | Маҳбус, маҳкум ва жазони ўтаб бўлган шахслар |
| Кимларга қўлланади? | Номуайян шахслар гуруҳига (маълум бир шахслар тоифасига) | Муайян шахсларга |
| Кечирим ҳужжатининг ташаббускори ким бўлади? | Давлат | Маҳкум ёки унинг вакили |
| Шахсий омиллар (тавсиф) қарорга таъсир қиладими? | Қисман | Тўлиқ |

БУ ТУРФА ОЛАМ

**МИЧИГАНГА МЕТЕОРИТ ТУШДИ**

**АҚШнинг Мичиган штатидаги Детройт шаҳри яқинига метеорит тушгани ҳақида мамлакат миллий метеорологик хизмати хабар бермоқда.**

Унда айтилишича, осмонда қасир-қусур товушлар билан чарақлаган бир нарса кўринганда одамлар аввалига момақалдироқ ва чақмоқ деб ўйлашган. Сўнг астрономик агентлик барча маълумотларни аниқлагач, расмий хабар тарқатилди.

АҚШнинг геология хизмати ходимлари ҳам бу ҳолатни тасдиқлаб, метеорит Нью-Хейвен шаҳарчасидан саккиз километр нарига тушгани ва 2,0 магнит кучи миқдорида ер силкинишини келтириб чиқарганини қайд этишмоқда. Аммо бирор жойга шикаст етказмаган, жабрланганлар ҳам йўқ.

**ҚОРА ТАНЛИ МУТАХАССИС ЧЕТЛАТИЛДИ**

**НАСА халқаро космик станцияга узоқ муддатли парвоз қилувчи отряд таркибидаги биринчи қора танли аёл астронавт Жанетта Эппсни ташкибдан четлатди.**

Фазога Эппснинг ўрнига оқ танли Серена Ауньон учадиган бўлди. Иккала аёл ҳам отряд таркибига 2009 йилда киритилган. Бироқ Ауньон экипажнинг захирадаги аъзоси ҳисобланар эди. Энди эса қора танли Эппс Хьюстондаги космик марказга қайтарилади.

Жанетт Эппс аввал марказий разведка бошқармасида ишлаган, у авиакосмик техника соҳасида докторлик илмий даражасига эга.

Шунга қарамай, NASA вакиллари Эппс кейинги парвозларда иштирок этиши мумкинлигини айтиб, ҳозирги вазиятни изоҳлашдан бош тортган.

**АМЕРИКАНИНГ ИЛК АҲЛИ РОССИЯЛИК БЎЛГАН...МИ?**

**Кембриж ва Копенгаген университетлари олимлари Америка ҳудудига илк кўчиб борган одамлар ҳозирги россияликлар эканини маълум қилди.**

Тадқиқотчилар 11500 йил аввал яшаган ва 2013 йилда Аляска яқинидан топилган қизча жасади қолдиқларидан ДНК таҳлилини ўтказиш орқали шу хулосага келишган. Аниқланишича, қизчага тегишли генетик маълумотлар жанубий ва шимолий Американинг маҳаллий аҳолисиникидан тубдан фарқ қилган. Қизалоқ олимлар "қадимги беринғинлар" деб номлаган қабила вакили бўлган. Беринғинларнинг дастлабки вакиллари 36 минг йил аввал Шимоли-Шарқий Осиёда яшаган ва иқлим ўзгаришлари сабаб Беринг кўли орқали Аляскага кўчиб ўтишган.

– Биз 20 минг йиллар аввал одамлар Аляскага кела бошлагани ҳақидаги ҳақиқатни кўрсата олдик, – дейди тадқиқот раҳбари Эске Виллерслев. – Энди буни тасдиқловчи далил бор. Америка аҳолисининг ўсишига фақат битта асос – миграция сабаб бўлган.

**МЕРОСХЎР МУШУК ИНСОНДАН КЎРА АФЗАЛМИ?**

**Буни қарангки, айрим нотинч давлатларда инсон ҳашаротдек қириб юборилаётган бир пайтда италиялик аёл ўзининг Жерри лақабли мушугига 30 минг евро мерос қолдирибди.**

Маълумотларга қараганда, аёл мушугини "ҳаммадан ортиқ" яхши кўрган ва ўз васиятномасига уни ҳам киритиб кетган. Унда қайд этилишича, агарда мушуқ касал бўлиб қолса, марҳуманинг қариндошлари ветеринарга олиб бориши, пулни қизғанмасдан сарфлаши, керак бўлса, қимматбаҳо тақинчоқлар ва буюмларини сотиши лозим.

– Биз унинг қарорини ҳурмат қилишга мажбурмиз. У доим бизни тирик жонзотларни қадрлашга, худонинг олдида барча тенг деб ўргатган, — дейди марҳуманинг қизи.

Эндиликда Жерри бир кунда икки марта қисқичбақалар билан озиқланяпти ва ўзининг тўртта турли хилдаги каравотида ухламоқда. Шу маблағ уруш ўчоғига айланган мамлакатлардаги гўдаклар ҳимояси учун хайрия қилинганда маъқул бўлармиди?!

**Интернет материаллари асосида**
**Х. АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.**

ЭЪЛОН

Якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш учун Тошкент вилояти Зангиота туманида 2015 йил 21 январда рўйхатдан ўтган фуқаро Магдалиева Мастура Кучкаровнага берилган 9980 рақамли гувоҳнома йўқолгани туфайли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЖУҒРОФИЙ САЁҲАТ

# Энг кўркам мегаполислар

**Дунёда замонавий ва гўзал шаҳарлар бисёр. Улар орасида "мегаполис"га (бу сўз юнончадан ўтирилганда "катта, ажойиб, машҳур шаҳар" маъносини билдиради) айланганлари ҳам талайгина. Қуйида ана шундай шаҳарлар ҳақида баъзи қизиқарли маълумотлар эътиборингизга ҳавола этилмоқда.**

**КУАЛА-ЛУМПУР**

Малайзия пойтахти *Куала-Лумпур* Осиёдаги энг йирик транспорт марказларидан биридир.

1,5 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган шаҳар икки дарё — Кланг ва Гомбак дарёлари оралиғида жойлашган. Иқлими экваториал. Йил бўйи иссиқ ва нам ҳаво ҳукмрон. Аммо бу ҳолат Куала-Лумпурнинг дунё сайёҳлар орасидаги шуҳратига асло соя сололмайди.

Осмонўпар бинолар, йирик савдо марказлари, замонавий метро тармоғи ва бошқа қатор мегаполис белгилари Куала-Лумпурга хос.

Шу ўринда шаҳар метроси ҳақида икки оғиз. Мазкур транспорт воситаси вагонларининг янгилиги, ҳаво совиткичлари билан жиҳозланган, йўлакларининг озодалиги, қатнов графигига тўлиқ амал қилиниши ва метрополитен ичининг сокинлиги жиҳатидан таҳсинга лойиқ. Чипталар ҳам кассалардан ташқари онлайн қурилмаларда сотилади ва йўловчилар манзилга қараб ҳақ тўлашади. Метро бекатларида қаҳвахоналар, мева-чева дўконлари йўловчилар хизматида.

Куала-Лумпурнинг бош рамзи бўлмиш эгизак Петронас бинолари дунёдаги энг баланд иншоотлардан бири ҳисобланади. Уларнинг баландлиги 452 метр. Биноларнинг 42-қаватида ҳам ёнғин хавфсизлиги, ҳам иншоот барқарорлигини таъминлаш мақсадида бир-бирига ўтувчи осма кўприк ўтказилган.

Шаҳар кўчаларида ҳануз таксофон ва почта қутиларига кўзингиз тушади. Рекламалар эса фақат телевизорларда намойиш этилади. Кўпгина меҳмонхоналар ва офис бинолари ёнида такси чақирув қурилмалари ўрнатилган. Агар машиналар нотўғри ерга қўйилса, автоулов рилдираклари автоматик блокланади.

**ИСТАНБУЛ**

Босфор бўғозининг паст-баланд соҳилларида жойлашган Туркиянинг энг йирик шаҳри бўлмиш *Истанбул* нафақат мамлакатнинг асосий савдо, саноат ва маданият маркази, шу билан бирга дунёнинг энг гўзал мегаполисларидан биридир.

Босфор бўғози шаҳарни икки — Осиё (кичикроқ қисми) ва Европа қисмига бўлиб туради. Шаҳарнинг ҳар иккала қисмини бирлаштирувчи кўприк унинг кўркига кўрк қўшиб туради.

Шарқ ва Ғарб маданиятлари уйғунлашгани боис Истанбул сайёрамиздаги ягона трансконтинентал шаҳар ҳисобланади. Айтиш жоизки, мазкур шаҳар ўтмишда Рим, Византия, Лотин ва Усмонийлар империялари пойтахти бўлган.

Қулай географик ўринда жойлашган Истанбул денгиз, қуруқлик ва ҳаво йўлларининг тугуни ҳамдир. Шаҳар порти халқаро кема йўлларига "мезбонлик" қилса, темирйўли Европадаги кўпгина пойтахт шаҳарларга "меҳмонга чиқади". Босфор бўғози орқали шаҳарнинг ҳар икки томонига йўловчиларни ташувчи кемалар ва юк паромлари қатнайди. Шаҳарни бир-биридан гўзал меъморий иншоотлар ва 500 га яқин масжидлар безаб туради. Ҳам табиати, ҳам чиройи сабаб Истанбул ҳар йили минглаб сайёҳларга қучоқ очади. Масканда туризм яхши ривожланган. Шу соҳа ҳисобига ҳам у кундан-кун ривожланишда давом этмоқда.

**ЖАКАРТА**

Индонезия пойтахти *Жакарта* миллатлар ва маданиятлар қоришган миллионер шаҳардир. Шаҳарнинг энг диққатга молик гўшаларидан бири "Таман-Мини" этнографик миниатюралар паркидир. У 27 та павилиондан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бири бир вилоят ҳақида сўзлайди. "Монас" миллий ёдгорлиги эса шаҳар рамзи ҳисобланади. 132 метрли ёдгорлик италян мармаридан қурилган. Шунингдек, Жакартада Жануби-шарқий Осиёдаги энг катта масжид — "Истиқлол" жойлашган.

Шаҳар мамлакатнинг энг йирик савдо марказидир. Шунинг учун шаҳар фақатгина диққатга сазовор жойлари эмас, балки харид қилиш имкониятлари билан ҳам машҳур. Жакартада жаҳоннинг бир неча брендларини ўзида мужассам этган кўплаб замонавий савдо мажмуалари бор. Экзотик ва ноёб маҳсулотларни ҳам қийналмай топиш мумкин. Чунки мамлакат ёғоч буюмлар, суяк ҳайкалчалар, марваридлар идиш-товоқлари билан машҳур.

Жакартада транспорт инфратузилмаси ўзига хос. Чунки у ерда метро, трамвай, троллейбус каби транспорт воситалари йўқ. Аҳоли 1990 йилга қадар велорикшаларда ҳаракатланган. Бироқ ҳукумат мегаполисга бундай автоуловлар ярашмаслигини инобатга олиб, моторикши, мопед, бажажлар қатновини йўлга қўйди.

**САМАРҚАНД**

Жаҳондаги энг йирик ва кўркам шаҳарлари ҳақида сўз борганда, Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд ва Наманган каби йирик шаҳарлари ҳақида ҳам узоқ тўхталиш мумкин.

Хусусан, Самарқанд ҳам яқин йиллар ичида мегаполислар қаторидан ўрин олади. Ўзининг бой тарихи ва маданияти билан дунё аҳлини мафтун этаётган мазкур шаҳарда 2016 йилги маълумотларга кўра, 520 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда.

Камида 3,5-4 минг йиллик тарихга эга осори атиқалар, дунёнинг энг ноёб архитектура намуналаридан саналмиш масжиду мадрасалар, улуғ ва мўътабар зотлар абадий қўним топган мақбаралар Самарқандни дунё мусулмонлари интиладиган масканга айлантирган бўлса, Мирзо Улуғбек расадхонаси, қадимий Афросиёб шаҳри харобалари, Соҳибқирон Амир Темур фаолият олиб борган машҳур Кўксарой қайси дин, халқ ва миллат вакили бўлишидан қатъи назар, дунё аҳлини ўзига чорлаб туради.

Бироқ туризм, жумладан, экотуризм борасида ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп экани ҳам бор гап. Масалан, маҳаллий ва хорижлик сайёҳларни ушбу вилоятнинг бошқа гўшаларига ҳам жалб этиш ишлари кўнгилдагидек йўлга қўйилмаган. Айтайлик, Нуробод туманининг Эски анҳор канали оқиб ўтадиган ҳудудида, Самарқанд — Қарши автомагистрали бўйидаги Қизилқарвон қишлоғидан 3-4 чақирим шимолда жойлашган қадимий Будрач шаҳри харобалари тарихчи ва археологларимиз назаридан четда қолиб келяпти. Мазкур қишлоқ кексаларининг айтишича, 1988—1989-йилларда ленинград(хозирги Санкт-Петербург)лик қадимшунослар келиб, ҳудудда археологик қазишма ишларини бошлаган, у ердан кўплаб тарихий ашёлар, эски қабрлар топилган, бироқ кейинчалик бу хайрли ишлар тўхтаб қолган.

Вилоятнинг Пастдарғом, Пахтачи, Нарпай, Ургут ва Иштихон туманларида ҳам бундай гўшалар жуда кўп ва ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди.

Яқинда Самарқанд шаҳрида ташкил этилиши кўзда тутилган олтита кичик саноат зонаси — юқори технологияларга асосланган машинасозлик, электротехника ва фармацевтика каби замонавий соҳаларнинг ривож топиши уни албатта яқин йиллар ичида марказлашган шаҳарга айлантиради.

Италиянинг Болония университети олимлари қўмагида журналист Мария Леоне томонидан тайёрланган "Буюк Ипак йўли бўйлаб" сарлавҳали материалда шундай дейилади: "Самарқанд — кўп миллатли мегаполис, маданиятлар, динлар ва халқлар чорраҳаси. Бу ерда ўша давр жаҳон бозорининг маркази жойлашган эди. Бундан ташқари, шаҳарда Ипак йўлининг маърифати ҳам жамланган бўлиб, у орқали юлдуз ва илмлар ҳам сеҳрат қилган. 1417 йили Амир Темур вориси Улуғбек Регистон мажмуасидаги уч мадрасанинг биринчисини қурдирган. 1428 йилда бунёд этилган Улуғбек расадхонаси қўмагида буюк олим юлдузлар жойлашувини аниқлик билан ўлчаган".

"Ўзбекистоннинг ҳар қарич тупроғи зар" деган гап шунчаки баландпарвоз гап эмас. Юртимизнинг жаҳон сайёҳларини ўзига жалб этадиган жиҳатларини санаб адоғига етиш қийин. Аммо юқорида айтилганидек, бор имкониятлардан фойдаланиш коэффициенти ҳали ниҳоятда паст. Туризм ривожланиши учун давлатимиз кўраётган чора-тадбирлардан ташқари, биз, жамоатчилик, кенг халқ оммаси ҳам ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Туризм маданияти қон-қонимизга сингмас экан, бу соҳада илғор бўлолмаймиз.

**Гўзал ТУРСУНПЎЛАТОВА тайёрлади.**

## БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

***— Шифохонада даволанаётган отам ўзига тегишли уйни кенжа укамизга васият қилиб қолдирмоқчи. Шу масалада кимга мурожаат қилиш мумкин?***

*Янгийўл шаҳридан Б.Шодиев*

*— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1126-моддасига асосан касалхоналар, госпиталлар, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаб турган фуқароларнинг ана шу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош врачлари, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи врачлари, шунингдек, госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ёки бош врачлари томонидан тасдиқланган васиятномалар нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилади.*

***— Биз оилада 7 фарзандмиз. Кенжа укам 11 ёшда. Марҳум онам ўзига мерос қолган ҳовлини бутунлигича менга васият қилиб қолдирган. Ушбу ҳовли жойга қолган фарзандлар улуш олиши мумкинми?***

*Тошкент вилоятидан О.Ҳайитов*

*— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан, уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.*

***— Мен марҳум отамдан мерос қолган ҳовли жойдан ўзимга тегишли қисмидан катта акам фойдасига воз кечганман. Лекин акам билан охирги вақтда муносабатларимиз ёмон аҳволда. Ўзимга тегишли меросни қайтариб олиш учун кимга мурожаат қилишим мумкин?***

*Янгийўл шаҳридан О.Марипов*

*— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1147-моддасига асосан меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас.*

**Саволларга Янгийўл тумани 3-сонли ДНИ нотариуси Розия ҚУРБОНОВА жавоб берди.**

## "HURRIYAT" УЧУН МАХСУС

# ОДАМЛАРНИНГ ДАРДУ ТАШВИШИ

*— Ассалому алайкум муфтий ҳазратлари, 2017 йил 15 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, муқаддас динимиз софлигини асраш — давр талаби» мавзусидаги диний соҳа ходимлари билан учрашувда белгиланган вазифалар ижроси ҳақида сўзлаб берсангиз.*

— Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим. Оламларнинг раббиси бўлган Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин, Аллоҳ элчиларининг имоми пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ва у кишининг аҳлларига, асҳобларига салому саловотлар бўлсин.

Ўтган бир йилни сарҳисоб этадиган бўлсак, Аллоҳга шукрки, муҳтарам Президентимиз давлат раҳбари сифатидаги биринчи ишни халқимизнинг дарду ташвишларини енгиллатиш, эртанги кунга ишонч уйғотиш, имон-эътиқодини мустаҳкамлашдан бошладилар.

Президентимиз уламолар ва имом-хатибларни пойтахтимизда жамулжам қилиб, дин пешволари олдида турган энг муҳим вазифаларни баён қилиб бердилар. Ҳақиқатан, диёримизда бошланган кенг кўламли ислоҳотлар қаторида исломий эътиқод борасида тўпланиб қолган масалаларнинг ечимини топиш, қалблардаги истакларни рўёбга чиқариш йўлида жуда катта ишлар қилинди. Ушбу сўзларимизнинг исботини аниқ мисолларда баён қиладиган бўлсак, жумладан:

-Марказий Осиёда ягона Ислом цивилизацияси маркази ва 2 та йирик халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди. Вилоятларда калом, ҳадис, фиқҳ, ақида, тасаввуф илмларини ўрганишга ихтисослашган 5 та илмий мактаб иш бошлади;

-диний таълим муассасаларига талабалар қабул квоталари оширилди. Бухорода Олий мадраса ташкил этилди. Тошкент ислом институтида 3 йиллик махсус сиртқи бўлим очилди. Барча таълим муассасаларида Қуръони Карим қироати бўйича «Таҳфизул Қуръон» гуруҳлари ўз фаолиятини бошлади;

-мамлакатимиз бўйича 15 та масжид биноси қайтадан барпо этилди, 55 та масжид капитал таъмирланди. Биргина Сурхондарё вилоятининг ўзида 4 та янги масжид иш бошлади;

-ҳаж сафарига борувчилар сони икки минг кишига, умра зиёратига борувчилар миқдори 4 минг нафарга оширилди, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг бир гуруҳи биринчи марта бепул ҳажга юборилди;

-мамлакатимиз миқёсида кўп босқичли Қуръони Карим мусобақалари ўтказишга киришилди ва ушбу мусобақада диёримиздаги барча қаломуллоҳ ҳофизлари иштирок этиши унинг даражасини янада оширади;

-интернет сайтларида диний фанлардан онлайн дарслар ўтиш йўлга қўйилди, тўғридан-тўғри шаръий саволлар-жавоблар рукни мунтазам ишлаб турибди, диний-маърифий сайтлар ва ижтимоий тармоқларда доимий тарғибот ишлари олиб борилмоқда;

-юздан зиёд номдаги диний адабиётлар бир неча юз минг ададда чоп этилди. «Ҳидоят» журнали жами 1 миллион 145 минг нусхада, «Ислом нури» газетаси жами 820 минг нусхада нашр этилди. Айни кунларда Миср Араб Республикасидаги «Дорус-салом» нашриёти ва Азҳари шариф ҳузуридаги илмий академия билан Қуръони каримни чоп этиш ишлари бошланди;

-ўтган йил охирида Президентимиз «Ўзбекистон Ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди. Қарорга кўра, Ислом академияси ҳузурида икки йиллик магистратура, уч йиллик таянч докторантура ва уч йиллик докторантура фаолият юритади. Академияда «Қуръоншунослик», «Фиқҳ илми», «Ҳадисшунослик» ва «Калом илми» мутахассисликлари бўйича магистрлар, шунингдек, ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб борувчи илмий-педагог кадрлар тайёрланади.

Мана шундай неъматлар учун эртаю кеч, туну кун Ҳақ таолога шукрона келтиришимиз ва бундай кунларнинг қадрига етишимиз керак. Зеро, Қуръони азийм ушшаънда бундай марҳамат қилинган: «Эй Раббим! Менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган яхши амалларнигина қилишга мени муваффақ этгин ва мени Ўз фазлинг билан солиҳ бандаларинг қаторига киритгин!» (Намл сураси, 19-оят).

Шундай инъомлар учун Яратган Парвардигорга шукрона келтиришда давом этсак, бундай неъматлар янада бардавом бўлади, иншоаллоҳ.

*— Президентимиз Бухоро вилоятига ташрифи чоғида Мир Араб олий мадрасасини ташкил қилиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?*

— Давлатимиз раҳбари Мир Араб олий мадрасасини ташкил қилиш бўйича кўрсатмалар бериб, жумладан бундай деган эдилар: «Келгусида чуқур билимли имом-хатиблар, исломшунос мутахассислар, уламолар тайёрлашда, энг муҳими, фарзандларимизни буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси руҳида, соғлом эътиқод руҳида тарбиялашда бу илм даргоҳлари таянч бўлиб хизмат қилади».

Дарҳақиқат, олий мадрасанинг очилиши ислом шариати аҳкомларининг етук билимдони, халқимизнинг диний-маърифий билим ва савияси, соғлом эътиқодини шакллантирадиган, турли хил ёт ғояларга қарши юксак маърифати билан кураша оладиган малакали ёш кадрларни тайёрлашда муҳим ўрин тутади.

Мир Араб олий мадрасасига 2017—2018 ўқув йилида абитуриентлар ҳужжатлари қабул қилиниб, имтиҳонлар адолатли ва шаффоф ўтиши таъминланди, ҳозир янги илм масканида 60 нафар талаба таҳсил олмоқда.

2017 йилнинг 17 октябрь куни Чеченистон Республикаси Президенти Рамзан Қодиров Мир Араб олий мадрасасига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон мадраса талабаларининг таълим олиш жараёни билан танишиб, бевосита дарсларда ҳам иштирок этди. Рамзан Қодиров Мир Араб олий мадрасасининг фахрий талабаси сифатида ўқишга қабул қилинди. 2017 йил 21 октябрь куни Озарбайжон муфтийси, Шайхул ислом Оллоҳшукур Пошшозода ҳазратлари бошчилигидаги диний соҳа вакиллари иборат делегация Мир Араб олий мадрасасига ташриф буюриб, яратилган шароитлардан мамнун бўлишди.

*— Ҳозирги даврда жаҳон халқларига хавф солаётган терроризм ва ақидапарастликнинг мақсади, аввало ёшлар онгини заҳарлашга, бу орқали уларни жангарилар етиштириб чиқаришга қаратилган. Бундай таъсирлардан фарзандларимизни асраш борасида қандай ишлар олиб борилмоқда? Хусусан, мактаб, коллеж, лицей ва олий таълим муассасаларида диншунослик фанини ўқитиш истиқболи ҳақида тўхталиб ўтсангиз?*

— Мамлакатимиз таълим тизимида диншуносликка оид фанларни ўқитиш бугунги кунда энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Давлатимиз раҳбарияти томонидан ушбу фан бўйича умумий ўрта, ўрта-махсус ва олий таълим тизими учун янги дастур ва дарсликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактаб ўқувчиси илм даргоҳига қадам қўйишгача бўлган даврдаёқ оилада дин ҳақида муайян кўникмаларга эга бўлади. Шунинг учун ҳам диншуносликка оид маълумотларни ёшларга етказишда улардаги мавжуд билимларни ҳисобга олиш ва уларни янада бойитишга эътибор бериш лозим бўлади.

Бугунги кунда диншунослик фанларини ўқитишдан кўзда тутилган асосий мақсадлардан бири соф исломий эътиқодни ўргатиш ва бузғунчи кучларнинг заарли ғояларидан ёшларни ҳимоя қилишдан иборат. Ўзбекистонда VIII асрдан бошлаб ислом дини маҳаллий аҳолининг асосий диний эътиқодига айланган. Мана шу воқеликни билган диний мутаассиб гуруҳлар ислом дини ниқоби остида минтақа аҳолисига ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилади. Айниқса, ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ўсмир-ёшларни жангарилар тузоғига илинтириш бугунги кунда қора кучларнинг асосий иш услубига айланди.

Шу нуқтаи назардан диншунослик фанларини ўқитиш ёшларимизни дину диёнатли, одоб-ахлоқли қилиб тарбиялаш уларга, динимизнинг чинакам инсонпарварлик таълимотларини ва турли иллатларга бузғунчи кучларга қарши курашда катта аҳамият касб этади.

*— Ўзбекистон мусулмонлари идораси саҳарруфидаги диний таълим муассасаларида ташкил этилган "Араб тили" ўргатиш курслари ҳақида гапириб берсангиз?*

— Юртимизда жуда кўп хайрли ишлар бўлаётганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Яқинда диний таълим муассасаларида «Араб тили» ўқув курслари ташкил этилди. Ушбу ўқув курсларида ўқиш истагида бўлган фуқароларимиз диний таълим муассасаларига мурожаат қилишлари ва мазкур курсларда араб тилини ўрганишлари мумкин. Уларга малакали ва тажрибали ўқитувчиларимиз, сабоқ беришади.

Араб тилини ўрганиш билан мусулмон киши бевосита тарихимиз, миллий маданиятимиз манбаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Яъни араб тилини билиш бир томондан, мусулмонни Қуръон ва ҳадисга боғласа, иккинчи томондан, миллий меросимиздаги жуда кўп бебаҳо ҳикматларни англашига ёрдам беради.

Аллоҳнинг каломи Қуръони Карим араб тилида нозил бўлиши ва ҳазрат Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатлари шу тилда баён қилингани араб тилининг «икки дунё саодатига элтувчи тил» дея эътироф этилишига асос бўлди. Қуръони Каримда: «Аниқ Китоб Қуръонга қасамёд этаманки, албатта, Биз уни сизлар англашингиз учун араб тилидаги Қуръон қилдик!», деб баён қилинади (Зуҳруф сураси, 2-3 оятлар).

Шу боис Қуръони Каримни тушуниш, уни англаш учун араб тилини ўрганишнинг аҳамияти беқиёсдир. Мазкур араб тилини ўргатиш курслари айни вақтида бошланди. Чунки муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан араб, форс тилларида ёзилган маънавий меросимизни кенг кўламда таржима ва тадқиқ қилиш ишлари бошланди, диёримиз ҳудудларида тафсир, ҳадис илми, ақида фиқҳ илмлари кенг ва чуқур ўрганиладиган илмий мактабларни очишга киришилди. Шундай эзгу ишларни изчил давом эттиришда мазкур курслар катта хизмат қилади, иншоаллоҳ.

*— 2017 йилда Президентимизнинг БМТ бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида ҳам Ислом динининг асл инсонпарварлик моҳияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар, шу тўғрисидаги мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашсангиз.*

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, олиб борилаётган ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари, зиёратгоҳларнинг қайта тикланаётгани, янгидан-янги илмий-амалий ва маданий марказлар ташкил этилаётгани юзасидан атрофлича сўз юритган Давлатимиз раҳбари ушбу нутқларида кўплаб масалалар, айниқса, Ислом динининг асл инсонпарварлик моҳияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Президентимиз нутқида алоҳида эътибор берилган масалалардан яна бири — Ислом маърифати масаласи бўлди. Юртбошимиз нуфузли минбардан туриб Ислом дини борасида пухта илмга эга бўлмасдан, бу дин ва мусулмонлар ҳақида хулоса чиқаришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини айтар эканлар, инсонларни Ислом дини билан таништиришнинг оқилона йўлларини, таъсирчан усулларини топиш зарурлигига алоҳида урғу бердилар:

«Бугунги сессия иштирокчиларига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилмоқчиман. Бу ҳужжатнинг асосий мақсади — барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат».

Муҳтарам Президентимиз нутқида илгари сурилган долзарб масалалар бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг муҳокама қилиниб, эътироф ва таҳсинларга сазовор бўлмоқда.

Ислом динимизнинг мўътабар манбаларида илм ўрганиш, маърифатли бўлиш, жаҳолатдан йироқ бўлиш ҳақида жуда кўп амрлар, тавсиялар ва ибратли ривоятлар келган. Жумладан, ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва

# Ўзни севиш шунча бўларми, ХАЙ-ХАЙ!

## ЭЪТИРОЗ

Дунёда муҳаббат деган улуғ туйғу бор. Севиш аслида ёмон нарса ҳам эмас. Бироқ севги билан севгида ҳам фарқ бўлади. Бугун аксарият ёшлар хаёлида шунчаки кўнгил ёзиш воситаси, эрмакка айланиб қолган "севги" бошқа, Лутфий, Навоий, Огаҳий, Қодирийлар тараннум этган муҳаббат бошқа.

Не ажабки, кейинги пайтларда бизда (бугунги жамиятнинг аксарият аъзоларида) севгининг яна бир бошқачароқ кўринишдаги тури оммалашди. Бу — ўз-ўзини севишдир.

Муҳаббатнинг бу турига мубтало бўлганларнинг олдида "Мустафо"даги Усмоналининг телбаларча севгиси ҳам "ип эшолмай" қолади (эсингизда бўлса, бу йигит ичиб олиб, кўчада хотинига атаб қўшиқ айтиб юради: "Галатепада Усмоналига қадар ҳеч ким хотин ҳақида кўчага чиқиб қўшиқ айтмаган эди". *Мурод Муҳаммад Дўст. "Мустафо"*).



Яқинда бир тўйда бўлдим. Ҳаммаси аъло — камчиқим, тартибли ва ихчам ўтди, лекин бир ҳолат менга жуда эриш туюлди. Тўйнинг бошдан охиригача ҳали у ёнда, ҳали бу ёнда давра-давра бўлиб ўзларини суратга олаётганлар ғашимни келтирди. Дастурхонга таом тортилса ҳам сурат, оғзига бир луқма солса ҳам сурат, давра ўртасига чиқиб ўйнаётган маҳали ҳам сурат. Хуллас, аксар меҳмонлар икки ёшнинг бахтли оқшомига шерик бўлишдан кўра, ўзларини кўз-кўз қилишу юрган ҳар қадамини "тарих"га муҳрлашга келгандек эди. Кечирасизу, сизнинг нонни қандай чайнашингиз, стулда қандай ўтирганингиз, қандай рақс тушаётганингизнинг одамлар учун ҳеч ҳам қизиғи йўқ. Уни келажак авлодга эсдалик қилиб қолдирмасангиз ҳам, ҳеч ким сиздан ўпкаламайди.

### СЕЛФИНИНГ ОММАЛАШУВИ

Маълумотларга қараганда, биринчи селфи бундан деярли икки аср муқаддам, аниқроғи, 1839 йилда америкалик Роберт Корнелиу томонидан олинган. Мазкур селфи тарихда фотокамера орқали олинган дастлабки сурат ҳамдир. Россияда эса биринчи селфи Николай II нинг қизи машҳур княгиняга тегишли. У 1914 йилда ўз расмини дугонасига юбориш учун камера тугмачасини ойнадаги аксига қараб босади. Сурат билан бирга ўртоғига жўнатган мактубида бу йўсин суратга олиш қийин эканини ҳам ёзади.

Илк жамоавий селфи эса бундан қарийб 100 йил олдин суратга олинган. Космосдаги илк селфини эса астронавт Базз Олдрин амалга оширган. Сурат 1966 йилга тегишли бўлсада, оммага 2014 йилда ҳавола этилган.

Бугун телефон ёки фотокамеранинг бир тугмачасини босишнинг ўзи етарли — исталган кўринишдаги селфи тайёр. Балки шунинг учун ҳам айни даврга келиб, у кўпчиликнинг севимли "ҳобби"сига айлангандир. Илгарилари бундай усулда суратга тушиш жуда мушкул бўлгани боис (ҳам камера оғир, ҳам тугмачани босиб бир вақтда унга қараш кўп уриниш талаб этган) у қадар оммалашмаган.

### "СЕВИМЛИ КАМЕРА" ҚУРБОНЛАРИ

Бугун нега кўпчилик мамлакатлар ОАВ селфини танқид қилмоқда? Чунки унинг инсон психологиясига салбий таъсиридан кўра оғриқли бир томони бор — киши ўзини ўзи суратга олиш пайтида доим ҳам хавфсизликка риоя этолмайди, оқибатда қатор кўнгилсизликлар, фалокатлар рўй беради. Масалан, Россиянинг Тула вилоятида 14 ёшли мактаб ўқувчиси юқори кучланишга эга электр узатувчи симёғочга чиқиб, суратга тушмоқчи бўлганида ток уришидан вафот этди. Бундан тўрт йил муқаддам эса АҚШлик учувчининг селфига ўчлиги сабаб ҳалокатга учраган енгил моторли самолёт ичидан икки йўловчининг жасади топилди. Қайсидир мамлакат шифохонаси раҳбарияти ва ходимлари эса жарроҳлик столи устида ҳушсиз ётган бемор билан суратга тушгани учун жазога тортилган эди. Айримлар шунчаки беозор кўнгилхушлик деб билаётган машғулотлари, афсуски, кўп ҳолларда ўзлари билан бирга ўзгаларнинг ҳаётига ҳам хавф солмоқда.

Бугун дунёда селфи туфайли нобуд бўлганлар ва жароҳат олганлар сони бўйича Ҳиндистон энг олдинги ўринлардан бирини эгаллар экан. Шу туфайли ҳам мамлакатнинг қатор жойларида селфи олиш тақиқланган.

Москвада эса пойтахт музейига ташриф буюрувчиларга селфи қилиш қатъиян маън қилган. Сабаби 50 сантиметр узунликдаги оддий селфи-палкалар (таёқчалар) музейдаги экспонатларга бир неча бор жиддий зарар етказган.

### ИНСОНЛАР НЕГА ЎЗИНИ ЎЗИ СУРАТГА ОЛАДИ?

Тўғри, ўзини селфи қилаётганларнинг ҳаммаси ҳам худбин ё руҳиятида салбий ўзгаришлар кузатилаётган инсонлар эмас. Кимдир эсдалик учун, кимдир яқинига суратини йўллаш учун, яна кимдир хизмат тақозоси билан суратга тушади. Лекин ўз чиройи, қомати, сеяётган овқати, қилаётган амали, кияётган либосини ўзгаларга кўз-кўз қилиш мақсадида суратга тушаётганлар ҳам кўпки, улар ўзлари билмаган ҳолда руҳий хасталикка олиб борувчи уч босқични босиб ўтадилар. Биринчи босқичдагилар ҳар куни уч мартагача селфига тушсалар-да, уларни ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ҳақида ўйламайдилар. Қачонки, инсон тушаётган суратини оммага ҳавола қилишга муккасидан кетса, иккинчи ва учинчи босқич сари қадам ташлаган бўлади. Ўша маҳал "селфибоз" руҳиятида жиддий салбий ўзгаришлар кузатила бошлайди. Психологларнинг айтишича, ижтимоий тармоқларга селфиларини жойлаштириб борадиганлар виртуал оламдаги дўстларидан сурати тўғрисида ижобий баҳонигина ("лайк"ни) кутади ва фикрлар, тўғрирофи, мақтовларнинг миқдорига қараб ўзига бўлган ишончи ортади. У ўзида суратларига билдирилган мулоҳазалар ва "лайк"лар сонига кучли боғлиқликни ҳис эта бошлайди. Экспертларнинг фикрига кўра, мазкур ҳолатда одамлар эҳтиёткорлик ҳиссини бутунлай йўқотади ва ноодатий суратга олиш ва интернетнинг бошқа фойдаланувчилари билдирган реакция орқали ўзига бўлган баҳони ошириш учун ҳеч нарсадан тап тортмайди. Балки шунинг учун бугун ижтимоий тармоқларнинг қай бирида меҳмон бўлмайлик, отаси қабри устида дуо қилиб турган фарзанд суратининг, муқаддас қадамжоларимизда турли нағмалар билан ўзини селфи қилган фойдаланувчиларнинг, уйқудан тураётганию қўл ювaётганигача оммага ҳавола этаётганларнинг (улар орасида зиёлилар бўлса, айниқса) тез-тез гувоҳи бўлаётгандирмиз.

Яқинда бир фойдаланувчи қизнинг оғир ҳолда ётган бувиси билан жилмайиб тушган суратини кўпчиликнинг ғазабини келтирди. Тўғри-да, буви ўлар ҳолатда ётса-ю, невара бундан шодон суратга олса?! Ҳатто баъзида "савобталаб" айрим юртдошларимизнинг бирор ногиронгами, муҳтожгами ёки қаровсиз қарияга совға улашаётган селфи постини тармоқларда кўриб қоламиз. Пост остини эса "тасанно"ю "отангизга раҳмат!"лар босиб кетган. Наҳот, уят тушунчаси шунчалар биздан йироқлашди?! Хўш, инсон ўзи бераётган кўмаги, кўрсатаётган мурувватини ҳаммага ошкор қилиши шартми?! Бу чиндан сахий, қўли очиқ инсоннинг тутимимикан?! Ахир, халқимизда "ўнг қўлинг берганини, чапи билмасин" деган пурмаъно нақл бор.

Афсуски, бу каби манзаралар кундалик ҳаётимизда оддий ҳол бўлиб қолди. Улуғ авлиёлар ўтган ерга зиёратга борсангиз ҳам, музей ёки театрларга тушсангиз ҳам, тамаддихонаю, тўй-ҳашамда ҳам кўпчилик бир машғулот билан банд — селфи! Тавба, дейсиз икки қўлингиз ёқангизда. Риёкорлик, мақтанчоқлик ҳам шунча бўладими? Ижтимоий тармоқларни кузатсангиз, отаси ё онасининг ёхуд бирор қариндошининг қабрини зиёрат қилиб, дуога қўл очиб турган "селфи-севар"лар суратини кўрасиз. Ибодат қилаётганини расмга муҳрлаб, достон қилаётганларга нима дейсиз? (Ўзининг қандай саҳарлик ёки ифторлик қилаётганини суратга олиб, тармоққа жойлайдиган айрим "лайк"парастларни назрда тутмоқдамиз).

Афсуски, кибр, ҳудбинлик, мақтовга ўчлик кўпчилик "селфисевар"ни нобуд қилиб, руҳиятини заифлаштириб, маънавиятининг қашшоқлашишига олиб келмоқда.

Жамоат жойларида турли қилиқлар қилиб (бировни кўзини қисган, бирови тилини чиқарган, яна бири осмонга сакраган) суратга тушиб, уни оммага ҳавола қилаётганлар бу билан нимага эришмоқчи бўлишади, ҳайрон қоласан киши. Яқинда интернетда чиқди: Англияда бир йигит поезд бир неча метр яқин қолганда, унинг олдидан сакраб ўтиб, бу ҳолатни видеога олдириб, шуҳрат қозонмоқчи бўлди. Эҳтимол, ўзига ўхшаган нодонларнинг "лайк"ларини ҳам йиққандир, аммо бу билан бечоранинг етиб боргани полиция маҳкамаси бўлибди! Селфи қиламан деб автоҳалокатга учраганлар, анҳорга мункиб кетиб, ҳалок бўлганлар, тоғ кўчкисида қолганлар, селда оқиб кетганлар қисмати, наҳотки, ибрат бўлмаса!

*Ўзини севгувчиларга маслаҳатимиз шу: ён-атрофга бир разм солинг — сиздан бошқа яна қанча инсонлар истиқомат қилмоқда. Ўзингизни суратга олишдан чарчамас экансиз, ҳеч бўлмаса, ўзгаларнинг ғашига тегманг, фарзандларимизни ортингиздан эргаштирманг!*

**Гўзал МАЛИКОВА,**
**"Hurriyat" мухбири**

# БИЛАН ЯШАШ ЧИН МЎМИНЛИК БЕЛГИСИДИР

## (Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон АЛИМОВ ҳазратлари билан суҳбат)

саллам бундай марҳамат қилганлар: «Ким дунёни хоҳласа тижорат қилсин, кимки охиратни хоҳласа зоҳид бўлсин ва кимки иккисини ҳам хоҳласа, илм олсин».

Ушбу ҳадиси муборакнинг якунида кимки икки дунё саодатига эришишни хоҳласа ғайрат билан илм олишга чорланмоқда.

БМТ томонидан «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюция қабул қилинса, бу оламшумул воқеа бўлади. Инсониятни илмга, маърифатга бошлаш ғояси икки юзга яқин давлат раҳбарлари ва намояндалари қатнашган халқаро анжуманда айнан бизнинг давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилгани ҳақли равишда ифтихор туйғусини уйғотади. Ахир, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошлаб ўтган жамики улуғ аллома бобокалонларимиз, азиз устозларимиз бизни шундай эзгу мақсадга камарбаста бўлишга даъват этишган.

Муҳтарам Президентимиз ўз нутқларида: «Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурosa қила олмаймиз», деб алоҳида таъкидлаганлари қуйидаги ҳадиси шариф мазмунига тўла ҳамоҳангдир. Абдуллоҳ ибн Амр розиялоҳу анҳудан ривоят қилинади Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмон киши мусулмонлар унинг тили ва қўлидан саломат бўлган (зулм кўрмайдиган) кишидир», дедилар (Имом Аҳмад ривояти).

Мазкур нутқда яна шундай илҳомбахш сатрлар бор: «Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман. Ана шундай буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган «Саҳиҳи Бухорий»нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган. Бу улуғ зотнинг ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, ислом маърифати тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида биз Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик. Тошкентда ташкил этилаётган Ислом цивилизацияси марказининг фаолияти ҳам шу мақсадга хизмат қилади».

Шу ўринда қуйидаги ривоятни келтириш мақсадга мувофиқдир: «Одамлар, Имом Муслим ибн Ҳажжожнинг Имом Бухорий ҳазратлари ҳузурларига келиб пешонасидан ўпганини кўришган ва: «Эй устозлар устози, муҳаддислар саййиди ва ҳадис иллатларининг табиби! Ижозат беринг, оёқларингизни кўзимга суртай!» деганини эшитишган».

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан ташкил топган Ислом цивилизацияси маркази, нутқда тилга олинганидек, илму маърифатни кенг ёйишга, диний бағрикенглик асосларини мустаҳкамлашга, эзгу ғояларни янада кўпроқ тарғиб этишга, юртдошларимизни ягона миллий ғоя атрофида жипслаштиришга хизмат қилади.

*Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ҳақида тўхталиб ўтсангиз?*

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 23 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори иҗроси доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ўтган йили 1 сентябрь куни «Ҳазрати Имом» мажмуасида бўлиб, марказ биносининг лойиҳаси билан танишди.

Мамлакатимизда муқаддас динимизни, уламоларимизнинг бой меросини ўрганиш, тарихий обидаларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу каби хайрли ишлар юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Шуларни инобатга олиб, давлатимиз раҳбари Ислом маданияти маркази номини Ислом цивилизацияси маркази, деб ўзгартириш таклифини билдирдилар.

Лойиҳага кўра, ушбу марказда академия, кутубхона, архив ва қўлёзмалар фонди ташкил этилиб, уларни бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар ва уламолар асос солган илмий ва диний мактабларга доир юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори-атиқалар, шу йўналишдаги замонавий илмий-тадқиқот ишлари, тарихий аҳамиятга эга видео ва фото ҳужжатлар билан бойитиш, 300 ўринли конференция зали барпо этиш кўзда тутилган.

*— Муфтий ҳазратлари, Ислом дини таълимотида ватанпарварлик, ватанни асраш ҳақида нималар дейилган?*

— Исломда Ватан тушунчаси кенг қамровли бўлиб, аввало у истиқомат маскани, яъни уй-жой маъносида ишлатилади. Ислом дини таълимотида инсон ўзи яшаб турган Ватанини, динини, оила аҳлини ҳимоя қилиши энг улуғ амаллардан эканлиги таъкидланган. Ватан ҳимояси учун ҳарбийлар сафида туриш ҳам динимизда улкан савобли амал саналади. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир кеча кундуз «рибот», (яъни душман қаршисида туриш) бир ой тутилган нафл рўза ва ўқилган тунги намоздан яхшидир», — деб марҳамат қилганлар (Имом Муслим ривояти).

Ватанни турли ғаразли оқимлар ва ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш йўлида диний экстремизм ва унинг турли кўринишларига қарши курашиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилган тезкор-профилактик тадбирлар ўз самарасини бериб, сезиларли даражада ижобий кўрсаткичларга эришилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб келажагимиз эгалари бўлган ёшларга эътибор кучайтирилди. Юртимизда амалга оширилган кенг қамровли ишлар келажагимиз эгаларини Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жонажон Ватанимиз тинчлиги, осойишталигини таъминлашдек масъулиятли, шу билан бирга, савобли ишларни бажаришга посбонларимиз камарбаста. Уларда бунинг учун матонат, мардлик ва жасорат каби фазилатлар етарли.

Зеро, ҳар бир оилада ўғил фарзанд туғилганда ота-она билан бир қаторда юрт — Ватан ҳам суюниб, шоду хуррам бўлар экан. Чунки ўғил фарзанд нафақат ота-онаси, оиласини, балки бутун халқини, Ватанини ҳимоя қиладиган ўғлон ҳисобланади. Юртимиз тинчлиги ва барқарорлигини сақлашда, мамлакатимиз ҳудудини ҳимоя қилишда ҳарбий хизматчиларнинг хизматлари беқиёсдир. Улар ҳақига ҳамиша дуодамиз.

*— Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Ҳаж ҳақидаги фатвоси эълон қилинди. Ушбу фатвонинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?*

— Ҳажга боришни орзу қилиш мўмин банданинг энг гўзал туйғуларидан бири. Раббимиз қайсики мўмин юртдошимизнинг қалбига ана шу орзуни солган экан, уни қутлаш керак. Бироқ ҳажга бориш фақат орзу-ҳаваснинг ўзи билан битадиган иш эмас. Аввало, ҳажга боришни ният қилган одам соғлом ва тетик бўлмоғи керак. Чунки ҳаж ниҳоятда машаққатли ибодат, ундан кейин унинг моддий шароити яхши бўлмоғи даркор. Ҳажга борувчи талабгор ўзининг ҳажга бориб-қайтиб келгунича етадиган қилиб оиласининг нафақасини қилиб қўймаса, у ҳаж сафарида эканида оиласида моддий танглик сезилиб қолса, унинг ҳаж ибодати маъқул бўлмайди.

Яна бир муҳим масала, ҳажга ҳалол маблағ билан бориш масаласига ниҳоятда эътиборли бўлмоқ лозим. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй инсонлар, Аллоҳ таоло пок ва фақат покни қабул қилади. Аллоҳ таоло расулларга буюрган нарсани мўминларга ҳам буюриб: «Эй Пайғамбарлар! Пок нарсалардан енглар ва солиҳ амаллар қилинглар. Албатта, Мен нима амал қилаётганингизни ўта билгувчиман» (Мўминун, 51-оят), деди ва яна: «Эй иймон келтирганлар! Сизларга ризқ қилиб берганимиз пок нарсалардан енглар» (Бақара, 172-оят) деди. Сўнг узоқ сафар қилиб, сочлари тўзиб, ғубор босиб осмонга икки қўлини кўтариб: «Эй Раббим, эй Раббим» (деган) кишини зикр қилдилар. Ваҳоланки, унинг таоми ҳам, шароби ҳам, кийими ҳам ҳаромдир ҳамда ҳаром билан овқатлантиради. Булар билан (унинг қилган дуоси) қандай қилиб ижобат бўлсин» дедилар» (Термизий, Муслим ривояти).

Бундан аён бўладики, ҳажга ҳалол мол билан бормаган одамнинг сарфлаган харажатлари, иссиқда тортган машаққатлари, кетган хийлагина вақти бесамардир. Фақат элнинг орасида «ҳожи» деган номни олгани қолади, холос. Унинг қанчалик ҳожи бўлгани эса Яратганнинг ҳузурида ҳисобга олиб қўйилган бўлади.

*— Ҳожи бўлиб келган юртдошларимизнинг маҳалла-қўйда фаол бўлиши лозимлиги ҳам Фатвода кўрсатилибди. Бу банд ҳам бевосита Ислом таълимоти билан боғлиқ ҳодиса, Зотан, намоз ўқиган, закот берган, рўза тутган кишилар ўз-ўзидан бошқаларга ибрат бўлади. Одамлар улардан маслаҳат сўрайди, шундай эмасми?*

— Ҳажга бориб келган юртдошларимиз, олдинроқ айтиб ўтганимиздек, «ҳожи» деган номга муносиб бўлиб, ўзларининг хулқ-атвори, муомаласи ва бошқа хусусиятлари билан барчада яхши таассурот қолдирмоғи лозим. Айниқса, улар маҳалла-қўй ишларида фаол бўлиб, ёшлар тарбиясида, адашиб нотўғри йўлларга кириб қолган инсонлар билан тушунтириш ишларини олиб бориши, маънавият-маърифат тарқатишда самарали ишларни қилмоғи даркор. Зеро, бир гапни оддий инсон айтгани билан ҳожининг айтгани икки хил таъсир кўрсатади.

Ўйинқароқ, бевошроқ ёшларга панду насиҳатлар қилиб, уларни ҳуқуқбузарликлардан қайтариш борасида ҳам ҳожиларнинг ўрни бўлакча бўлади. Шунингдек, нотинч оилалар, ўзаро муроса қила олмаётган эр-хотиннинг орасини ислоҳ қилишда ҳам ҳожилар ўрнак кўрсатмоғи керак. Зеро, мўмин-мусулмонларнинг орасини ислоҳ қилиб, уларни яраштириб қўйиш ҳам ибодатнинг давомидир.

Аллоҳ таоло она Ватанимизни тинч ва ҳаётимизни бундан-да фаровон қилсин, улуғ неъматларини янада зиёда айласин.

Вассаламу алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ.

**Отабек НАСИМОВ суҳбатлашди.**

**ТААССУРОТ**

*Ҳордиқ чиқариш учун ёки шунчаки дилдагини тўкиш учун қўлга қалам олинмайди. Шоирлик бу – қисмат! Сўзнинг оғриғи ва оғирлигини ҳис қилгангина кўнгилга яқин бирор сатр айта олади.*

## Ҳаёт қўшиғи

Самимий қалам соҳиби Исроил Шомирнинг "Кўксимдаги қуш" китобига сўзбоши ёзган устоз шоиримиз Усмон Азим ҳам *"шеърларида ҳақиқий шоирларга хос хазинлик, соғинч уфуриб турибди. Элгони йўқ, Қисмат ёзуқлари шундоқ кўриниб турибди"*, дейди. Тўпламни варақлаб, дастлабки тоза нафасидан кўнгил тўлади, сайроқи тўрғайларнинг овозидан руҳ кўтарилади. Кенгликларга учгингиз келади.

*Оҳ, билинди қишлоқнинг ҳадри,*
*"Хайр" демай кетгандим унга.*
*Йўл қарайди онамнинг қабри,*
*Баҳор келгин,*
*Элтгин Бойсунга...*

Одам ўзи туғилиб ўсган жойдан бошқа ерга сиғмайди. Қаерда бўлмасин, қадрдон болалиги, дўстлари билан бирга кечган хотираларни эслаб юради. Ўша дамларни қўмсамаган куни бўлмайди. Шундан куч олади.

*Жумард дўстлар бўлган у чоғлар,*
*Энди елкам тутаман кимга?*
*Танирмикан борсам чўнг тоғлар,*
*Баҳор келгин,*
*Элтгин Бойсунга...*

Бундай мисраларни ўқиб, ота маконга кучлироқ талпинасиз, ҳар бир гиёҳдан тортиб, тошларигача товушини эшитасиз. Шовқини жонингизда яшайди. Дунё ғамларини унутасиз. Кўксингиздаги оғирликлар кўтарилиб, ўзингизни кўнгил ихтиёрига топширасиз.

*Менга дунё керакмас,*
*Ором бўлса кифоя...*
ёки
*Олис-олисларга боқаман интиқ,*
*Қуёшнинг тафтидан бўлиб умидвор.*
*О, қачон турналар айтади қўшиқ,*
*Қачон уйғонади эринчоқ баҳор.*

Бу ҳаётнинг рангин лаҳзалари. Олисдан ҳаммаси ёрқинроқ кўринади. Бу ойдин ҳислар ўзингга олиб боради. Мана, шеър нима учун ёзилади? Қалб билан дунёга боқиш, туйғуларингга ном топиш, барча истакларингга етиш учун ёзилади.

Шоирнинг бирорта шеърида зўрма-зўраки қофия, метафоралар учрамайди. Ҳаммага тушунарли, ҳаётий хулосалар...

*Сен йиғлаб турибсан ёмғирда билдим,*
*Кўз ёшинг юракнинг мунаввар қони.*
*Маъюс нигоҳингдан ишқ сўраб келдим,*
*Гуллатиб юборгин кўҳна дунёни...*

Кўҳна дунё – қадим ровийлардан қолган афсона. Эски туйғуларни янгилаш учун бетакрор туйғулар керак. Туйғу дегани бу ҳис, шу орқали қалбдаги ғалаёнларни англаш мумкин. Муҳаббат, орзулар, ишончлар ҳам шундан туғилади.

*Юксак маъволарга чорлайди пирлар,*
*Дарёга ўзани бўлмагай унут.*
*Даҳр аро бир туғён юракни тирнар:*
*«Эр бўлсанг боболар изидан йўл тут».*

Исроил Шомир шеърдан-шеърга юрак ҳароратини бериб бораркан, албатта, бунга ҳолис баҳони китобхон беради. Хулоса ўрнида фақат яхши китобларгина ҳаётингизни ўзгартиришга қодирлигини айтмоқчимиз.

**Дилноза ХОЛБОЕВА,**
**ТерДУ 4-босқич талабаси**

# МАЪЗАВАКАШ

*Тавҳар сўзлар*

## ОҒИЗДАГИ ТОШ

*(қадимий ривоят)*

**У бурнига доим пахта тиқиб юради. Ўзининг бадбўй ҳидидан мудом кўнгли айнийди. Шу боис кўпроқ одам йўқ жойлардан пусиб ёлғиз ўтади.**

Эру хотиннинг бир-бирлари билан сўзлари тўғри келмай, эри бир гапирса, хотини ўн гапирибди. Охири қозига учрашиб:

— Бизни ажратиб қўйсангиз, ҳеч келишолмадик, — дейишибди.

Тадбиркор кози икки ёшга қараб:

— Сизларга ўн беш кун муҳлат, сўнг ажратиб қўяман, — дебди-да, аёлга қичқира тошни узатиб: «Буни оғзингизга солиб олинг, фақат овқат маҳалида оғзингиздан оласиз, еб бўлгач, яна солиб қўйинг», — дебди.

Шундан кейин козининг олдидан эру хотин кетишибди. Келин уй юмушларини индамай, оғзида тош билан бажарар, овқатини еб бўлгач, яна оғзига тош солиб олар экан. Икки ҳафта ичида эр-хотин ҳеч жанжаллашмай, сўнг козининг олдига боришибди.

Кози донолик билан:

— Энди мен сизларни ажратиб қўйишим керак. Мана бу жойга имзо қўйинг, — деб қўёв томонга қарабди.

— Менинг қўядиган хотиним йўқ, — дебди куёв. Келин бўлса:

— Менинг ҳам ажрашадиган эрим йўқ, — деб туриб олибди.

Демак, ширин сўзлилик, бир сўздан қолиш хаёли, фаросатли аёлларга хосдир.

**"Ҳикматлар хазинаси"дан**




*Фельетон*

Агар у бирор ишхонага кирса, ҳамма оғиз-бурнини дарҳол беркитиб олади. Кўча-кўйда таниш-билишлари уни кўриб келса, астагина бир-бирига шипшип огоҳлантиради: "Қоч-маъзава келяпти!"

Айтишларича, чақалоқлигида онаси уни тоғорада оёқлари орасига олиб, чинқиратиб, кир совунга обдон ишқалаб, энди устидан тоза сув қўяман, деб турганида мол айвонда ёнғин чиқиб, ғарам гуриллаб ёна бошлади. Она шўрлик қўлидаги сувни олиб ёнғинни ўчиргани чопди. Ҳовлининг ўртасида қолган тоғорадаги маъзавада у бироз ғиллагани-ча бўкиб ётарди.

Маъзавали сув унинг кўзчаларини ачиштиргани етмагандек, баданига обдон сингиб кетган эди. Жон талвасасида анча-мунча маъзавани ютиб юборгани ҳам аниқ.

Ёнғинни қўни-қўшни билан амаллаб ўчирган онаси югуриб келиб, чаймасдан шартта тоғорадан олиб, хўл этагига солган. Ухлаб қолгач, болани маъзава-паъзава билан бешикка боғлаган. Бола шўрлик бир кеча бешикда шу ҳолида қолиб кетган. Отаси канал қазишдан келса, уйдан бадбўй ҳид анқийди. У "ўғлимиз қани", деб сўрайди. Онаси югуриб бориб бешикни очиши билан хонани шундай аччиқ ҳид тутадики, агар ўша пайтда чўчқа ҳидласа таппа ўлади. Эр-хотин ўкчиб, оғизларини ёпганларича ҳовлига отиладилар. Обдон қайт қилиб бўлгач, бироз ўзларига келадилар. Лекин бола ётган хонага киришга юраклари бетламайди. "Ким олади-ё, шугинани-ё"...

Она-она-да! Эри туман ҳарбий бўлимидан олиб келган противогазни тақиб, боласини бешикдан ечиб олиб, қайта-қайта чўмилтиради, лекин ҳид кетмайди. Шу-шу у боқий қўланса бўлиб қолди...

Мудом маъзава ҳиди анқиб тургани боис болалар у билан ўйнамай қўйди. Талабалар даврасига қўшмади. Касб-ҳунарининг тайини бўлмагач, ёлчитиб бирор жойда ишламади. Шўрлик аламзада, ҳасадгўй бўлиб қолди. Олдин имзоли, сўнг имзосиз хатлар ёзди. Кейинчалик бу қора ниятда ёзилган хатлар мақолаларга айланди. У маъзава тўкишни ўз ота-онасидан бошлади. Онам сигирни чала соғади, шу боис елини шишиб кетган. Отам хурракчи, уйқумни бузади, деб туман газетасига фельетон қилди. Ота бундай юзсиз, диёнатсиз боласини шартта оқ қилди. Она шўрлик ер муштлаб қарғади. Улар бу нобакор фарзанддан ўлиб ҳам қутилмадилар. У ота-онаси ётган қабрлар узра маъзава тўкди...

Интернет пайдо бўлди-ю, маъзавакаш илҳом эшагига маҳкам ўтирди. Маъзавакашлик унинг энг севимли машғулотига айланди. Энди у "ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баробар ёнади" мақолига амалга қилиб, яхши-ёмонни бирдек интернетга ёзиб, устидан аёвсиз маъзава тўка бошлади. У бир гуруҳ маъзавакашлар орасида "юлдуз" бўлишга астойдил интилди.

Энди у ўтган кўчада итлар ҳурмай қўйди, хўрозлар қичқирмайди, эшаклар ҳанграмайди. Илонлару чаёнлар ининларига кириб, қўрққанларидан заҳарларини ўзлари ютадиган бўлиб қолди.

Атрофида таниқли ва машҳур олим, ёзувчи, санъаткор зоти борки, маъзавакаш ҳаммаҳаммасини бир-бир эринмай нишонга ола бошлади. Ҳатто ёш истеъдодларга ҳам маъзавакашнинг сассиқ қалами етиб келди.

Ер юзида яхши, пок, ҳалол, меҳрибон, самимий одамлар қолмагандан сўнг, у муқаддас шаҳарларга ўтди. Бухоро, Самарқанд, Хива кўчаларини маъзавага тўлдира бошлади. Ҳатто болалигида бобоси уни Бухорога зиёратга олиб борганини, у шаҳарнинг тор кўчаларида адашиб қолиб, нияти ёмон одамларга рўбарў келганини, улар болани меҳмон қилиб ўйнатганлигини ва эртаси қийналиб юриб, бобосини топганлиги ҳақидаги аччиқ хотирани унутмади. Шу-шу Бухоро сўзини эшитса, унинг бир жойлари зирқираб оғрийдиган бўлиб қолди. Уялганидан Хоразмда қандай воқеа рўй берганини ёзмади.

Шу қилиғи Худога ҳам ёқмади, шекилли маъзавакаш оғир дардга йўлиқди. Йўғон ичагидан яра чиқди. Энди маъзава ҳиди етмаганидек, ундан нажас ҳиди ҳам келадиган бўлди...

Ҳасадгўйлик, кўролмаслик, нафрат ва аламзадалик билан ўтган ифлос умри ниҳоясига етди. Ўз ахлатига тойиб кетиб жон таслим қилди...

Ҳатто уни ювгичлар ювишдан ҳазар қиладилар. Охири бир кекса мурдашуй савоб учун ювишга рози бўлди. Уни беш марта ювди. Ҳар гал ювганида баданидан нуқул кўпириб маъзава чиқаверди. Сувни исроф қилмайлик, деб олтинчисидан сўнг ювишни тўхтатди.

Айтишларича, уни бир вақтлар бедаволар дафн этиладиган қабристонга қўйишибди...

**Ашурали ЖЎРАЕВ**

**ФОТОКЎРГАЗМА**

*Ҳаммаси жуда оддий туюлади: "чирқ" этказиб тугмани босасиз ва бир воқеани тарихга муҳрлайсиз. Аслида, ҳаммаси шу қадар оддий эмас. Воқеликни кўришгина эмас, уни ҳис этиш ҳам керак. Муаллифнинг нигоҳи, борлиққа қарашлари ўзи олган фотосуратларда акс этади.*

## СУРАТЛАРДА НИГОҲЛАР АКС ЭТАДИ

**Тошкент Фотосуратлар уйида Бадиий ижодкорлар уюшмаси фотошуъбаси аъзолари ва ҳаваскор фотосуратчилар асарлари кўргазмасида бўлганимизда мазкур фикрлар хаёлимиздан ўтди.**

Кўргазмада намойиш этилаётган ҳар бир фотосурат — юртимизнинг бир гўзаллигидан ҳикоя қилади. Муаллифлар уларни юрт кезиб, она заминимиз жамоли, гўзал табиатидан илҳомланиб, тарихга муҳрлаганлар.

Улар орасида истеъдодли фотограф З.Рўзиқуловнинг «Ҳаёт завқи», «Қувонч», «Қўмсаш», «Қиш зийнати», «Мозий ҳиссиёти», «Теран нигоҳ» каби фотоасарлари, И.Содиқзоданинг «Шарпа», «Хотира», «Тонг», «Ташландиқ», «Хавфлилик» деб номланган суратларини томошабинлар катта қизиқиш билан кутиб олди.

Кўргазмада олтмиш нафардан ортиқ тажрибали ва ҳаваскор фотограф ўз ижодий ишлари билан иштирок этмоқда.

**Хусния ЖУМАБОЕВА**

# ОМОНХОНА СИНОАТЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

Мақбарадан бироз пастроқдаги бир туп писта дарахти бу ерга келганларнинг эътиборини тортиши аниқ. Сабаби унинг ёши 500 йилдан ортиқ. Шохлари зич, чалкашиб кетган. Ўйга толасан, киши, бу кекса дарахт не-не замонларни кўрмаган, қанча воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлмаган, дейсиз...

Омонхона булоғига йўл олдик. Бу булоқ ҳақида эшитмаган, бир марта бўлса-да, у ерга боришни ният қилмаган киши кам топилса керак. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Булоқ суви шифобахш. Шу боис бу ерда даволаш маскани ташкил этилган.

— Омонхона булоғи суви ички касалликлар, ошқозон, ошқозоности бези, ўт пуфаги, жигар, гепатит Б, С, Д, қандли ва қандсиз диабет, қон босими касалликларига даво, — дейди "Омонхона" даволаш маскани шифокори Аброр Жабборов. — Шу боис булоқ суридан шифо истаб келувчилар сони йил сайин ошиб бормоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, булоқ суви тананинг ички органларини ювишда қўлланиладиган замонавий гемодез препарати билан солиштирилса, фойдали ва зарарсизлигига кўра у препаратдан бир неча марта устун туради.

Омонхона даволаш маскани "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти тасарруфига ўтказилгач, булоқ сувини қадоқлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хорижнинг энг илғор технологиялари келтириб ўрнатилгач, кўзланган мақсадга эришилди. Қувурлар орқали келтирилган булоқ суви турли ҳажмдаги идишларга қадоқланиб, савдо шохобчаларига пешма-пеш етказиб берилмоқда. Булоқ сувини қадоқлаш йўлга қўйилгач, қишлоқ ёшларидан 10 нафари иш билан таъминланди.

Кейинги йилларда Омонхона даволаш масканида кенг қўламдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти мутасаддилари саъй-ҳаракати билан 100 ўринли, икки қаватли бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ён-атрофи ободонлаштирилиб, қўшимча қулайликлар яратилди. Айниқса, турли хилдаги игна баргли дарахт кўчатларининг экилгани, йўлак ва бетон зиналарнинг қурилгани сиҳатгоҳга янада чирой бағишлади. Ҳамма жой кўкаламзор. Тоғ бағридаги тошлоқ қиялиқда бундай кўркам дарахтзорни ташкил этиш ўз-ўзидан бўлмайди.

Омонхона булоғини кўздан кечириш чоғида улкан тошайвонлар эътиборимизни тортди. Улар рўбарў жойлашган. Шарқий айвон сой ичидан бироз юқорида, у ерга бир нечта супа қилинган. Баҳор келиб, кунлар исиши билан супаларга сўрилар ўрнатилиб, даво истаб келганларнинг дам олиши учун қулайлик яратилади.

Иккинчи томондаги тошайвон биринчисига қараганда 3-4 баробар катта бўлиб, сойнинг чуқур ерида жойлашган. Айвоннинг баландлиги 6-7, эни 25 метр келади. Узунлиги 60-65 метрдан зиёд. Омонхоналиклар бу тошайвонни ёппакамар деб ҳам атаркан. Ўттан асрнинг 50-йилларида 100 нафардан ортиқ ўроқчи қуёш тиккага келганда шу ерга келиб тошайвон тагида дам оларкан. Омонхона тошайвонларидан аввал ҳам, ҳозир ҳам фойдаланилмоқда. Уларни ҳеч ким ясамаган. Тошайвонлар табиий. Битта ҳам устуни йўқ бу айвонларнинг шундай шаклга келиши бир мўъжиза.

Тошайвоннинг пастки четидан, аниқроғи 8-10 метр баландликдан булоқ суви худди кўз ёшидек томчилаб тушмоқда. Уни маҳаллий аҳоли: "Кўз ёши булоғи" деб атаркан. Ҳамроҳларимизнинг айтишича, ушбу сувга кўзни ювса, кўз равшанлашади. Одамларнинг кўз ёши булоғи сувига юз-кўзини ювaётганини, идишларини тўлдириб олаётганини кўриб, бунга биз ҳам ишонгандек бўлдик. Кўзи хиралашган одамлар чакиллаб томиб турган булоқ сувидан шифо топгани учун ҳам одамлар бу ерга келаётган бўлса керак.

Омонхона ғори ҳам шу дарада. Тошайвондан дара бўйлаб 30-40 метр юрган эдик, харсанглар орасидаги ковакка кўзимиз тушди. У ғорнинг оғзи экан. Олдига бориб қарамасангиз, деярли кўрмайсиз. Узунчоқ кўринишга эга. Катталиги бўри уясидек келади. Унга бир одам зўрға сиғади. Ичкарига қараймиз. Ғорнинг оғзи жуда тор, пастликка тик тушган. Унга биринчи бўлиб омонхоналик йўлбошловчи Норбой Бобоқулов тушди. Унинг қийналиб тушгани юрагимизга ғулғула солди. Бир амаллаб тушсагу, қайтиб чиқолмасак, яъни ғор оғзига сиғмай қолсак, аҳволимиз нима кечади, деган ваҳимали фикр хаёлимиздан ўтди. Шу онда ўзимизга далда бердик. Қишлоқнинг қанчаданқанча одамлари ғорга тушиб чиққанда, биз тушолмаймизми? Ғор анча чуқур. Чамаси 3,5 метр. Бунинг устига одамлар тушиб-чиқаверганидан харсанг силлиқлашиб кетган. Яхшиям, биринчи бўлиб Норбой ака ғорга кирган экан. Оёғимизни қаерга қўйишни айтиб турди. У кишининг кўмаги билан 3 киши ғорга кирдик, холос. Қолғанлар журъат этолмади.

Омонхона ғори унчалик катта эмас. Умумий майдони 55-60 квадрат метрни ташкил этади. Ғор шифтининг баландлиги 3-3,5 метр. Ҳавоси илиқ. Шифт ва деворларида нам йўқ. Бу ғорда ғаройиб ҳодисани кузатиш мумкин. Саратоннинг жазирамасида ғор ичидаги ҳарорат 3-4 даражадан ошмайди. Қишда 20-22 даража илиқ бўлади. Шу боис яқин атрофдаги Омонхона, Пудина каби қишлоқлар аҳолиси ёзда сигир, қўй-эчки сутидан тайёрлаган сариёғини қоринга жойлаб, ғорга қўяр экан. Қишлоқ аҳли бу ёғни қоринмой деб атайди. Ғорда бир йилда ана шундай мой ва сузмадан 4-5 тоннагача сақланаркан.

Ижодий гуруҳ Омонхона ғоридан катта таассурот билан ташқарига чиқа бошлади. Бу жараён анча қийин кечди. Сирпанчиқ харсангга тирмашиб, бир амаллаб ғор оғзига етдик. Энди торгина туйнукдан чиқиб олсак, марра бизники деб ўйлаган эдик. Лекин бу осон эмас экан. Қанчалик уринмайлик, ғор оғзига сиғмаяпмиз. Бирдан қайфиятимиз тушди. Шунда туйнукнинг юқори томони бироз кенглигини пайқаб қолдик ва ўша томон сурилдик. Олдин бир қўлимизни елкамизгача қўтариб, нафасимизни чиқариб, қорнимизни ичга тортиб, чувалчанг мисоли чўзилиб ташқарига чиқдик. Худди зулмат қаъридан ёруғликка чиққандек, ўзимизни жуда енгил ҳис қилдик.

Ғор яқинида Камари Азиз зиёратгоҳи бор. Ниҳоятда обод жойга айлантирилган.

Омонхоналиклар билан суҳбат чоғида шунга амин бўлдикки, бу обод ва файзли гўшадаги ҳар бир табиий ва тарихий ёдгорликнинг пайдо бўлиш ва яратилиш тарихи бевосита Султон Валий Балогардон ҳазратлари билан боғлиқ экан. Бу ёдгорликларнинг қолганини ҳам обдон томоша қилиш учун, тоққа йўл олдик. Асфальт тугаб тош-шағалли йўл бошланди. Йўлнинг бир томони тик қиялик. Машинамиз аста-секинлик билан арчазорлар томон ҳаракатланмоқда. 2-3 километр юргач, йўлбошловчилар кетаётган "Нива" катта-катта харсанглар олдида тўхтади. Харсангларга назар ташладик. Улардан энг каттасининг ён томонларида турли шаклдаги изларга кўзимиз тушди. Синчиклаб қараймиз. Чуқурчалар туя изига ўхшайди. Маҳаллий аҳоли бу харсангни "Туя чиққан тош" деб номлаган экан.

Туя чиққан тошда одам изларига ўхшаш шакллар ҳам бор. Эътибор бериб қарасангиз, салобатли кишининг изи тошга муҳрланиб қолганга ўхшайди.

Туя чиққан тошдан чамаси 30-40 метр масофадаги мана бу антиқа тош ҳам эътиборимизни тортди. Унинг ўртасида 2 та ўйиқ жой бор. Улардан бири кичик, иккинчиси каттароқ. Тешикларнинг каттаси лола шаклида бўлиб, олисдан ҳам кўриниб туради. Тошнинг қалинлиги 30 сантиметрдан кам эмас. Бу тошни ҳеч ким ўймаган. Табиат ҳодисаси туфайли табиий тешиклар ҳосил бўлган.

Омонхона — сир-синоатга тўла қишлоқ. Хўжаи Сиддиқ зиёратгоҳи томон қалин арчазор бўйлаб кўтарилиб борамиз. Кимдир дарахт шохига тегиб кетди шекилли, арча иси анқиб кетди. Тоғ арчасининг ҳиди ўткир бўлишини яна бир марта ҳис қилдик. Мана манзилга ҳам етдик. Қалин арчазорлар орасида, баланд тепалик устида жойлашган Хўжаи Сиддиқ саҳоба қабрини зиёрат қилиб, бироз пастроқдаги булоқларнинг биридан сув ичдик. Шунда ҳамроҳларимиздан бири: "Иккинчи булоқнинг сувидан ҳам ичиб кўринг-чи", — деб қолди. Ундан ҳам озроқ ичиб кўрдик. Шунда у яна: "Таъмида фарқ бормикан", — деб сўради. Чиндан ҳам иккинчи булоқ сувининг мазаси биринчисиникига қараганда бошқача экан. Бироз тахир ва шўрлиги сезилиб турибди. Кейин билсак, бу ерда 5 та булоқ бор экан. Улардан чиқаётган сувнинг таъми бир-биридан жиддий фарқ қилиши бизни ажаблантирди. Энг қизиғи, 5 та булоқнинг суви 5 хил касалликка даво экан.

Ҳайратланарли томони, шифобахш булоқларнинг суви йил бўйи қуримайди, камаймайди. Ташқарига ҳам оқиб чиқмайди, қанча сув олсангиз ҳам булоқлар суви камаймайди. Ёзда зиёратчилар, дам олувчилар бу ерга кўп келади. Совуқ тушиши билан уларнинг сони камаяди. Ҳозир қиш бўлгани учун зиёратгоҳда ҳеч ким йўқ. Булоқларнинг усти тошлар билан ёпиб қўйилган.

*Ҳа, Омонхона мўъжизавий қишлоқ. Унинг мўъжизавийлигидан янада кўпроқ баҳраманд бўлиш учун ушбу гўзал ва мафтункор гўшага бориш керак... Бу эса, шубҳасиз, мамлакатимизда экотуризмнинг янада ривожланишига олиб келади.*

**Абдулла МАМАСОДИҚОВ,**
**«Dunyo bo`ylab» телеканали масъул котиби**

**ТАХРИРИЯТДАН:** *18 январь куни Қозоғистоннинг Оқтўба вилоятида юз берган машъум фалокат ва унинг оқибатида 52 нафар юртдошимизнинг ҳалок бўлгани барчамизнинг қалбимизни ларзага солди. Ушбу мавзу халқимиз, жумладан, интернет фойдаланувчилари томонидан қизғин муҳокама қилинмоқда.*

*Қуйида куюнчак ватандошларимиз томонидан билдирилаётган фикрларнинг айримларида мамлакатимизда ечимини кутаётган, айни пайтда ишсизликнинг олдини олишга ҳисса қўшадиган мулоҳазалар ҳам борки, улар келгуси фаолият учун фойда беради, деган умидда эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.*

## "МЕНДАН СЎРАСАНГИЗ — СИФАТСИЗ ТАЪЛИМ АСОСИЙ АЙБДОР ДЕЙМАН..."

Қанчадан-қанча оила суянган тоғини йўқотди. Қанчадан-қанча ота-оналар навқирон, айни кучга тўлган фарзанду жигарбандидан айрилди.

Ижтимоий тармоқларда буларга ким айбдор, деган саволларни кўп беришмоқда. Айримлар ишсизликдан тортиб, чипта нархларигача, қишлоқларда шароит йўқлигидан тортиб марҳумларнинг ўзларини ҳам айбдор қилиб кўрсатишгача боришяпти.

Лекин мендан сўрасангиз, буларга асосий айбдор сифатсиз таълим тизими, деб жавоб бераман.

Ишсизлик кўпми? Чунки таълим тизимимиз янги иш ўринларини очадиган, инновацион ғоялар, ташаббускорлик билан яшайдиган ҳар томонлама етук кадрлар етиштириб бера олмаяпти.

Тадбиркорларимиз ривожланмаяптими? Чунки таълим тизимимиз тадбиркорнинг юраги бўлган кучли менежерлар, маркетологлар, узоқни кўра оладиган молиячиларни етиштириб бера олмаяпти.

Коррупция кучлими? Чунки таълим тизимимизнинг бошланиш булоғи коррупциядан бошланади. Боғчага болангизни пул билан жойлаштирганингиздан кейин у токи институтни тугатиб диплом олгунгача қанчаданқанча қорни қаппайган виждонсиз раҳбарларнинг чўнтагини бойитишингиз керак.

Четда мардикорлик қилишяптими? Чунки таълим тизимимиз замонавий меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган, рақобатбардош кадрлар тайёрлаб бера олмаяпти. Бизнинг таълимдан чиққанларнинг кўпчилиги (ҳаммаси эмас) нари борса кўча супуриш ёки қурилиш қилишга яраяпти, холос.

Хўш, яна қайси соҳа керак? Юртимизда малакали шифокорлар камми? Чунки тиббий таълим чириб битган.

Юртимиз ўз табиий бойликларидан мақсадли фойдалана олмаяптими? Чунки нефть-газ, геология ва шу каби соҳаларда пичоққа илинадиган мутахассис тайёрлаш таълим тизимимиз учун аримаҳол.

Юртимиз ерлари кам самарали экинлар билан банд қилиняптими? Чунки таълим тизимимиз қишлоқ хўжалиги, ирригация-мелиорация соҳасида бирорта натижа кўрсата олмаяпти.

Умуман, мамлакатимизда қайси соҳа оқсаётган бўлса, қайси соҳада тизим ишдан чиққан бўлса, билингки, уларнинг таг-замирида сифатсиз таълим ётади...

facebook

# ОҚТЎБА ФОЖИАСИ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА

Қозоғистондаги фожиада кириш имтиҳонларида нафсига қул бўлиб, миллатига хиёнат қилаётган коррупционер масъулларнинг ҳиссаси бор.

Қозоғистондаги фожиада ўқитувчини пахта даласига ҳайдаган, уларга кўча супуртирган масъулларнинг ҳиссаси бор.

Қозоғистондаги фожиада ўқитувчиларни қоғозбозликка кўмиб, ҳар бир йўталгани учун ҳам ҳужжат сўрайдиган тизимни яратиб қўйган масъулларнинг ҳиссаси бор.

Қозоғистондаги фожиада сессия пайтлари жарақ-жарақ пуллар эвазига калласи бўм-бўш талабаларни ҳимоя қиладиганларнинг ҳиссаси бор.

Қозоғистондаги фожиада сифатли таълим тизимини яратиш учун масъул бўлган, лекин буни шунча йилдан буён уддалай олмаётган барчанинг ҳиссаси бор.

Келгусида бундай фожиалар яна такрорланмаслиги учун "бизда ҳаммаси яхши, таълимга эътибор катта, кўп маблағлар ажратяпмиз, кириш имтиҳонларида қинғирликлар аниқланмади, 5-6 нафар ўқувчиларимиз халқаро олимпиадада ўрин олди, демак, тизим зўр" деган олди-қочди гапларни бугундан йиғиштириб, илм-фанни, интеллектуал оламни ривожлантириш, ўқитувчиларнинг нуфузи ва салоҳиятини ошириш йўлида жиддий, кенг қўламли ислоҳотларни бошлашимиз керак.

Эртага кеч бўлиши мумкин... Ҳар 2-3 ойда ўзга юртга иш излаб кетаётган 50-60 нафар бегуноҳ юртдошларимиздан айрилиб қолишни жимгина кузатиш оғир.

**Фейсбук. Х.Худойбердиев.**
**20 январь, 11.35**

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН!

Рўйхатни ўқиб *(мазкур фожиада вафот этган юртдошларимиз рўйхати)*, юрагим тўкилиб, титилиб кетяпти. Вафот этганлар ичида 1996 йилдан кейин туғилган йигитлар ҳам бор экан! Бўз йигитлар! Дангаса, саёқ эмас, оиласидаги катта-кичик ташвишни ҳал қиламан деб, қаҳратон қишда иш излаб кетган ёш болалар! Ҳаётда оқ-қорани яхшироқ танимаган, чимилдиқ кўрмаган навқирон, навниҳол юртдошларим!

Айнан ўшаларнинг муаммолари билан шуғулланадиган бир ташкилот бор.

*Малол келмаса, улар уч-тўрттагина саволимга жавоб берсин!*

Халқ чўнтагидан чиқиб, фаолиятингиз учун ажратилаётган миллиард-миллиардларда ёниб кетган ёшларнинг насибаси йўқмиди? Ёки сиз фаолият деганида фақатгина рўмол ечтириш, коллежга кириб дарс бузиш, Энрикенинг концертида диконглаб сакрашнигина тушунасизми?

Бу билан сизни бутунлай қораламоқчи эмасман. Сафингизда сидқидилдан нимадир қилмоқчи бўлаётган қоракўзларни ҳам кўряпман. Аммо улар бармоқ билан санарли. Нима учун халқ меҳрини қозона олмаётганингизни айтаймми? Чунки сиз халқ билан ҳамнафас эмассиз!

Минглаб ишга кетаётган ўғил-қизларга бехатар, беталафот маршрут ташкил қилиб, фаолиятини назорат қилиш, уларнинг иссиқ-совуғидан бохабар бўлиб турадиган шўъба ташкил қилиш режангизда ҳам йўқ!..

Ўлиб кетган ўша 52 та ватандошим ўғрилик, ғарлик, юлғичлик қилмай, ҳалол пул топай, деб, совуқ ўлкаларга йўл олишганди. Сиз ўша ҳалол-пок, номусу имони бутун ёшларни асраб қололмадингиз! Нега чегарада битта штабингиз йўқ? Кетаётганларни қўрқитмай, дилдан суҳбатлашадиган мутахассисларингиз йўқ! Агар сиз озгина маблағ ажратиб, ўзингизнинг таъбирингиз билан айтганда, «уюшмаган» дилбандларимизнинг дилига йўл топа олганингизда «автобусгагина пулим бор, жонимни гаровга қўйиб кетяпман» деган нолаларини эшитган бўлар эдингиз...

«Ваҳима қилманг, Иттифоқ муаммоларни ўрганяпти» деб оғзимга урди биттаси.

Қачонгача фақат ўрганасиз?! «Ундай қиламиз, бундай қиляпмиз» деб, нафақагача етво(л)сангиз бўлди! Изингиздан яна битта ваъдабоз келади.

Ҳозир нимадан қўрқаётганими биласизми? Ўғилларим аълочи, меҳнаткаш, аммо яна икки ёки уч йилдан сўнг уларни қандай қисмат кутяпти?!

Олийгоҳни битирсаю, энг зўр диплом билан муносиб яшашга яраша пул топа олмаса, Ўзбекистонни ташлаб, бола-чақасини олиб, яхши мутахассисларни жон-жон деб кутиб оладиган давлатларга бош олиб кетмайдими?

Кўзингизни каттароқ очинг!..

**Фейсбук. Муаззам Иброҳимова исмли фойдаланувчи.**
**19 январь, 14.22**

## "АВИАКОМПАНИЯ АЙБДОР ЭМАС"

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» (миллий авиакомпанияси) бошлиғининг ўринбосари Фейсбукда ёзиб қолдирибди. Таржима қиламан:

«Сизларга ҳеч ким, Олма-Отадан учмагин, деб тақиқ қўяётгани йўқ. Тапловни мустақил равишда амалга ошириш ҳуқуқингиз бор. Биз беш ой аввал олдиндан барча мавжуд рейсларни эълон қилиб бўлганмиз, билет нархларини ҳам белгилаб чиққанмиз. Одамлар билетларни сотиб олишяпти. Табийки, билетни биринчилардан бўлиб олганлар учун нархлар ҳам арзонроққа тушади.

**Фэйсбук. Санжар Санд, блогер.**
**2018 йил 21 январь, 16.40.**

## ДАВЛАТ ЭЪТИБОРИ

Қозоғистоннинг Оқтўба вилоятида рўй берган фожиа муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев марҳумларнинг яқинларига ҳамдардлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев топшириғи билан Қозоғистонда қўплаб ўзбекистонликларнинг ҳалок бўлишига олиб келган фожиа сабабларини ўрганиш юзасидан Бош вазир Абдулла Арипов бошчилигида ҳукумат комиссияси ташкил этилган...

**Телеграм. Гулнора Отажонова исмли фойдаланувчи.**
**18 январь, 21.13**

***

...Ахир икки йил муқаддам шу тахлит фожиага дуч келганларга давлатнинг ёрдам қўлини узатиши у ёқда турсин, фожиа ҳақида хабар тарқатишини тасаввур қилиш ҳам мушкул эди-ку. Дуода бўлайлик, яхши кунларга ҳам етказсин барчамизни...

**Телеграм. Ҳасан Тошхўжаев исмли фойдаланувчи.**
**18 январь, 20.50.**

ТАХРИРИЯТ:

*21 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтида давлатимиз раҳбарининг топшириғига кўра, Қозоғистон Республикасининг Оқтўба вилояти Иргиз туманида "Самара — Чимкент" автомобил йўлида автобус ёниши оқибатида ҳалок бўлган 52 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқароси оилаларининг барчасига бир марталик нафақа ажратилгани маълум қилинди. Хабарда айтилишича, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари томонидан ҳалок бўлганларнинг оилаларига маънавий ва моддий ёрдам кўрсатиш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.*

*Таҳририят Юртбошимиз бошлаб берган бу хайрли иш саховатли ватандошларимиз томонидан муносиб давом эттирилиши, келгусида бу каби фожиалар қайта содир бўлмаслиги учун мутасадди идора ва ташкилотлар томонидан зарур чора-тадбирлар кўрилишига умид билдиради.*

Ўзбекистон Журналистлари иҳодий уюшмаси таниқли журналист Анвар Бобоевга волидаи муҳтарамаси **ФОТИМА** аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

HURRIYAT Мустақил газета

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари иҳодий уюшмаси

Ахборот ҳамкоримиз: Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги

*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.*

Адади: 3280 Буюртма — V-944 1 2 3 4 5

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-88
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-91

Топшириш вақти — 20[00]
Топширилди — 18[00]

*Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

Манзилимиз: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz; gazhurriyat@mail.ru

*Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.*

Навбатчи: Бекмурод Абдураимов

"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.